

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА АРХЕОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

**РАМАЗОНОВ САЛОҲИДДИН МУХАММАДИ ЎҒЛИ**

**“МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ (1991-2015 ЙИЛЛАР)”**

**Тарих таълим йўналишини бакалавр босқичини тугаллаш учун**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:**

**ўқ. У. Исаров**

**Ўзбекистон тарихи ва археология**

**кафедраси мудири:**

**т.ф.д. Ш. Шайдуллаев**

**2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_**

**Термиз – 2017**

## **Мундарижа**

### **КИРИШ.....**

### **1-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ .....**

- 1.1. Хавфсизлик        ва        минтақавий        хавфсизлик        тушунчалари  
мохияти.....
- 1.2. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган омиллар  
.....

### **2-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАОЛИЯТИ .....**

- 2.1 Марказий Осиёда диний экстремизм, фанатизм ва фундаментализмни бартараф этишда Ўзбекистон Республикасининг ўрни .....
- 2.2 Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда Афғонистон омили .....
- 2.3 Марказий Осиёда экологик муаммоларни бартараф этиш масалалари ....
- 2.4 Марказий        Осиёда        минтақавий        хавфсизликни        таъминлашда  
Ўзбекистоннинг кўп томонлама хамкорлиги .....

### **ХУЛОСА.....**

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....**

### **ИЛОВА .....**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарбилиги.** XX асрнинг охирги ўн йиллигига дунёда шу қадар улкан ўзгаришлар содир бўлдики, у халқаро ҳамжамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий асосларини кескин ўзгартириб юборди. Ер юзи халқларининг яшаш тарзи, услуби ва ижтимоий ҳаётида янгиланиш содир бўлди. Миллионлаб одамлар онги, олам моҳиятига бўлган қарашларида чуқур ўзгаришлар юз бериш жараёни бошланди. Шунингдек, янги давлатлар жаҳон сиёсати майдонига кириб келди ва улар халқаро муносабатларда иштирок эта бошлади.

Ҳозирги кунда Марказий Осиё минтақаси жуда катта сиёсий трансформация (ўзгаришлар) жараёнини бошдан кечирмоқда. Геосиёсат нуқтаи назаридан минтақа жаҳон сиёсий харитасининг периферия (чекка) ҳудуди сифатида эмас, балки стратегик муҳим минтақа сифатида ўзини намоён этмоқда. Бу бир томондан минтақанинг географик жиҳатдан Евросиё қитъасининг марказида жойлашганлиги, геосиёсий жиҳатдан табиий ресурсларга бойлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, Марказий Осиё минтақаси орқали дунёning бошқа муҳим минтақалари ва давлатларига сиёсий ва иқтисодий таъсир ўтказиш мумкин ёки аксинча, улардан келаётган таъсирларни қайтариш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари, асrimiz бошиданоқ энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Жаҳоннинг буюк давлатлари томонидан бундай ресурсларга бой ерларни ўз геосиёсий манфаатларига хизмат қилдиришга бўлган интилиш тобора кучайиб бораётганлиги кузатилаётган бир шароитда, экспертларнинг фикрича, XX аср углеводород ресурслари учун курашлар, асосан Яқин Шарқ минтақаси билан алоқадор бўлган бўлса, янги асрда бундай курашлар Марказий Осиё минтақасида амалга ошади. Демак, Марказий Осиё давлатлари жойлашган ҳудуд нафақат минтақавий, балки жаҳон геосиёсатидаги стратегик муҳим ҳудуд сифатида шаклланди.

Ҳозирги глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир даврда Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликнинг таъминланиши минтақа давлатлари олдида турган долзарб масала бўлиб, давлатлараро алоқаларни янада чуқурлаштиришни тақозо этади. Бунинг асосий сабаби шундаки, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, минтақа муаммоларини минтақа давлатларининг ҳамкорлик алоқаларисиз бартараф этиш мумкин эмас<sup>1</sup>.

Бугунги кунга келиб Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва экологик муаммолар ўзаро чамбарчас боғланиб кетган, шунингдек, ялпи хавфсизликка минтақавий, миллий, маҳаллий можаролар, диний экстремизм ва жангари сепаратизм таҳдид солмоқда. Шунингдек, ўзбекистонлик мутахассислардан Р.М.Алимовнинг фикрларига кўра, хавфсизлик нуқтаи назаридан Марказий Осиё минтақаси Афғонистон билан географик боғлиқликка эга бўлиб, бу ҳудуддан жуда кўп миқдорда гиёхванд моддалар, қурол-яроғларнинг олиб ўтилиши ҳозирги даврда ҳам минтақа давлатлари барқарорлиги ва хавфсизлиги учун жиддий таҳдид бўлиб келмоқда<sup>2</sup>.

Бундан ташқари ҳозирги шароитда, умумий хавфсизликни таъминлаш нуқтаи-назаридан, янги мустақил давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланиш муаммолари катта аҳамият касб этмоқда. Ер юзида вазият ва кучлар нисбати шиддатли ўзгариб бормоқда. Янги мустақил давлатлар майдонга чиқмоқда. Бу эса ҳозирги кунда давлатлар ва халқларнинг барқарорлигини таъминлаш учун янгича ёндошувларни излаб топишни, XXI аср арафасида хавфсизликнинг янгича моделларини ишлаб чиқиши талаб қилмоқда<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон , 1997. – Б.78.

<sup>2</sup> Алимов Р. М., Арифханов Ш. Р. И др. Центральная Азия: геоэкономика, geopolitika, безопасность. – Т.: Шарқ , 2002. – С. 9.

<sup>3</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, – Б. 7.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримов Марказий Осиё макони ҳақида фикр билдирар экан: «Сайёрамизнинг жуда катта майдонида кучлар нисбати кўп жиҳатдан Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар қайси йўлдан боришларига боғлик»<sup>4</sup>, – деган фикрни бирдирган эди.

Шунингдек, ҳозирги кунда халқаро муносабатларда юз берадиган сиёсий ўзгаришлар Марказий Осиёга ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Шу билан бирга хавф ва таҳдидларнинг янги турлари юзага келди. Бу эса ўз навбатида уларга қарши курашда янги усул ва воситалардан фойдаланишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида таъкидлаганидек, “Биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга? Сўнгги вақтларда жаҳонда юз берган, дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилишини ва харитасини тубдан янгилаган ўзгаришлар ҳозирги замон ва келажак учун қандай тарихий аҳамиятга молик? Булар ҳақида мулоҳаза юритиш ва уларга тўғри баҳо бериш жуда муҳим”<sup>5</sup>.

Энг аввало, одамларнинг мана шу бой заминда муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган мақсад ва вазифаларни қай даражада рўёбга чиқара оламиз? Энг мураккаб саволлардан бири шуки, биздаги барқарорлик ва ҳавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни англашетяпмизми?

Ҳавфсизлигимизга таҳдид бўлиб турган муаммоларга нимани қарши қўя оламиз? Жамиятимиз тўхтовсиз ва барқарор ривожланишига, биз истиқомат қилаётган минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанат сақланишига нималар кафолат бўла олади?

Мазкур битирув малакавий ишида шу каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақаси ҳавфсизлиги йўлида амалга оширган ишлари таҳлил этилиб, бу

<sup>4</sup> Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 421.

<sup>5</sup> Karimov I.A. O'zbekiston XXI acp bo'sag'asida havfsizlikka tahdid tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. – T., “O'zbekiston”, 1997, B.3.

масалада Ўзбекистон Республикасининг минтақа ҳавфсизлиги масаласида муҳим ўрин тутаётганлиги ёритилди.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Марказий Осиёдаги тинчлик ва хавфсизлик билан боғлиқ бўлган муаммолар қатор олимлар, сиёsatшунослар тадқиқотларида очиб берилган. Мазкур масала, аввало, мамлакатимизнинг биринчи Президенти И. А. Каримов асарларида кенг қамровли ёритиб берилган<sup>6</sup>. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримов асарларида сабиқ Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан сўнг Марказий Осиё минтақасида юзага келган сиёсий вазият, минтақада турли кўринишдаги диний оқимларнинг юзага келиш сабаблари ва Марказий Осиё хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи омиллар нималардан иборат эканлиги ўз аксини топган.

Шунингдек, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка хавф соловчи таҳдидлар, уларни бартараф этиш муаммолари юртимиз олимлари А. Р. Раҳмонов, А. Файзуллаев, А. Ходжаев, В. Алиев, Р. Алиев, Р. М. Алимов, С. Жўраев, У. А. Хасанов, Ф. Толипов, Ш. Арифханов, Э. Нуриддинов асарларида ўз аксини топган<sup>7</sup>. Жумладан, Ш. Арифханов асарларида Марказий Осиё минтақасида ноқонуний гиёҳванд моддалар савдосининг келиб чиқиши сабаблари, минтақа давлатлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда бошқа давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш йўллари ва бу соҳадаги вазифалар нималардан иборат эканлиги ўз ифодасини топган.

Шунингдек, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш ва у билан боғлиқ бўлган муаммолар Марказий Осиё ва чет эллик олимлардан А. Ч.

<sup>6</sup> Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida havfsizlikka tahdid tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. – Т., “O'zbekiston”, 1997.; Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Т3.Ўзбекистон , 1996.

<sup>7</sup> Алимов Р. М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: Шарқ , 2005;С.198. Алимов Р. М. Центральная Азия: геоэкономика, geopolitika, безопасность. – Т.: Шарқ , 2002. – 230 с.Толипов Ф. Большая стратегия Узбекистана в условиях геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. – Т.:Фан, 2005. –260с. Арифханов Ш. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Т.: Академ-Хизмат, 2007. – 289 с.Жураев С. Политология. – Т.: ТДЮИ , 2006. – 314 б. Раҳмонов А. Р. Проблемы безопасности на национальном, региональном и глобальном уровнях (международно-правовые аспекты). – Т.: Узбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –302 с.Хасанов У. А. Региональная безопасность и инациональные интересы (Центральноазиатский регион). – Москва: Вагриус-плюс, –2004. 218с.Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Т.: Фан, 2007–. Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Т.: Чулпон , 2002. –204 с

Касаев, В. Егозарян, Д. Назиров, Д. Саграмосо, Д. Трофимов, Е. Усубалиев, З. Бзежинский, М. С. Гафарлы, Н. Джоши, Э. Усубалиев асарларида атрофлича ёритилган<sup>8</sup>. Жумладан, Д. Назиров асарларида Марказий Осиё минтақасида сиёсийлашган ислом динининг юзага келиш сабаблари, унинг шаклланиш босқичлари ва бугунги кунда минтақа хавфсизлигига таъсири нималардан иборат эканлиги ўрганилган<sup>9</sup>.

**Тадқиқот мавзусининг предмети** сифатида Ўзбекистонда хавфсизлик борасида олиб борилаётган сиёсат ва унинг моҳияти хақидаги маълумотларни қиёсий солиштирган ва умумлаштирган ҳолда илмий ўрганиш вазифаси қўйилди.

**Мавзунинг мақсади ва вазифалари.** Ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турган Марказий Осиёнинг минтақавий хавфсизлигига таҳдид солаётган муаммоларнинг хал этилишилида Ўзбекистоннинг олиб бораётган фаолиятини ўрганиш, ҳар томонлама объектив ёритиши. Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқсан ҳолда илмий иш олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

- Хавфсизлик ва минтақавий хавфсизлик тушунчалари моҳияти очиб бериш;
- Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик масалаларини ўрганиш;
- Марказий Осиёда буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик ғояларини бартараф этиш масалалари ўрганиш;
- Марказий Осиёдаги экологик муаммоларни ўрганиш;
- Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг қўп томонлама хамкорлик масалаларини ўрганиш;

---

<sup>9</sup>Джоши Н. Дестабилизация региона: кому это выгодно? // Проблемы безопасности в Центральной Азии (Материалы международной научно-практической конференции). – Т.: Турон-Иқбол, 2006.345 с. Саграмосо Д. Незаконное распространение легкого и стрелкового оружия в Центральной Азии // Стабильность в Центральной Азии в постконфликтный период (материалы международной конференции). 2002. С. 102. Гафарлы М. С., Касаев А. Ч. Узбекская модель развития: мир и стабильность – основа прогресса. – М.: Дрофа, 2000. 297 с. Егозарян В. Новые вызовы и угрозы: международный терроризм, экстремизм, наркоагрессия, экологические проблемы, трансграничная преступность и другие // Проблемы безопасности в Центральной Азии (Материалы международной научно-практической конференции). – Т.: Турон-Иқбол , 2006.345.

**Мавзунинг назарий ва услубий асоси.** Илмий ишга, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентларининг асарлари ва нутқлари, халқаро-хуқуқий хужжатлар, Ўзбекистон Республикаси хукуматининг қарорлари назарий асос қилиб олинди.

Шунингдек, тадқиқот иши билиш усуллари – кузатиш, тизимли таҳлил, умумлаштириш, таққослаш методлари асосида тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик масалалари тарихий нуқтаи назардан илмий ва амалий таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.** Ушбу ишдаги назарий хулосалар, муроҳазалар, далил-асослар, таклифлар ва тавсиялар минтақавий хавфсизлик муаммолари, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари, геосиёсат, тарих билан боғлиқ фанларни ўрганувчи талабаларга қўшимча манба сифатида қўл келиши мумкин.

**Илмий ишнинг тузилиши.** Битирув малакавий иши тузилиш жиҳатидан кириш, 2 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **1-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ**

### **1.1. Минтақавий хавфсизлик атамасининг назарий жиҳатлари**

Марказий Осиё Евросиёнинг марказида жойлашган. У Шарқ билан Ғарб, Шимол билан Жануб ўртасида боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади. Минтақа Европа учун Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиёга кўприк ҳамда Россиянинг Жанубий Осиё ва Форс кўрфази мамлакатлари билан мунособатларида етакчи мавқе эгаллаш учун хақиқий давогар саналади. Бир сўз билан айтганда Марказий Осиё геосиёсий жойлашуvinинг ўзи унинг қўшни мамлакатлар ва минтақалар учун стратегик аҳамиятини олдиндан белгилайди.

Ҳозирги вақтда энергия ресурслари ва халқаро терроризм геосиёсий омиллар билан бир қаторда буюк ва минтақа давлатларининг Марказий Осиёга нисбатан ўсиб бораётган қизиқишининг белгиловчи нуқталари бўлиб майдонга чиқмоқда. Шу билан бирга дунёning ушбу стратегик муҳим қисмида минтақавий жараёнлар иштирокчisi бўлишга интилаётган ушбу давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатлари асосий сабаб бўлмоқда.

Марказий Осиё дунёning қадими тарих ва бой маънавий маданий меросига эга бўлган ноёб минтақалардан биридир.

Жаҳон хамжамияти ва бутун инсоният диққат марказини эгаллаб турган энг муҳим масала тинчлик ва хавфсизлик, аниқроғи бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масаласидир. Барча давлатларнинг ҳозирги шароитда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида яқдилликда харакат қилишлари шунинг учун муҳимки, тинчликнинг ҳар қандай тахлитдаги бузилиши умумий тинчлик учун хавф бўлса, ҳар қандай маҳаллий тўқнашув жаҳон урушига айланиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Республикализнинг биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ҳар қандай минтақанинг ҳал қилинмаган ва газак олиб кетган муаммолари бутун дунёда занжир реакциясини келтириб чиқариши мумкин. Вазиятнинг барқарорлашуви эса

кундан – кунга аниқ равшан бўлиб бораётган янги жуғрофий – сиёсий мувозанатни бузиш ҳавфини келтириб чиқаради”<sup>10</sup>.

Бугунги кунда ҳавфсизлик муаммоси миллий чегара доирасидан чиқиб, глобал характер касб этмоқда. Бир давлат қудратли ҳарбий салоҳияти билан ўзининг ҳавфсизлигини таъминлаш билан муайян натижага эриша олмай қолди. Алоҳида бир давлат ҳавфсизлигини таъминлаш бутун жаҳон ёки минтақа тинчлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ бўлгани каби, давлатдаги нотинчилар ёки ҳавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа омилларнинг мавжудлиги минтақавий ҳавфсизлигига таҳдид эса глобал ҳавфсизликка таҳдид келтириб чиқариши табиий ҳол.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг “Минтақавий ҳавфсизлиқдан глобал ҳавфсизлик сари” тамойилига асосланган “Минтақавий ҳавфсизлигимизни таъминламай туриб, глобал мулоқатга эришиб бўлмайди”<sup>11</sup> деган фикрлари замонавий сиёsatшуносларнинг инсоният учун муҳим бўлган муаммоларни ҳал этишда, глобал ҳавфсизликни таъминлашда айрим минтақалар асосий ва ҳал этувчи ўрин тутиши тўғрисидаги фикрларининг минтақавий давомидир.

Бу муаммо ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган. Аммо инсоният тарихининг ҳеч бир даврида XX аср охири ва XXI аср бошидаги сингари маъно ва аҳамият касб этмаган. XX асрда рўй берган иккита даҳшатли жаҳон уруши, ўнлаб маҳаллий урушлар инсоният бошига қанчадан-қанча кулфатлар келтирганлиги барчага маълум. Ядрорий ва бошқа қирғин қуролларининг ишлаб чиқилганлиги ва улар захираларининг беҳад кўпайиб кетганлиги ҳам XX асрнинг маҳсулидир. Ҳозир мавжуд бўлган оммавий қирғин қуроллари: термоядро, нейтрон бомбалари, лазер қуроли, радиологик қурол каби турлари инсониятни йўқ қилиб юбориши мумкин. Буларнинг барчаси ҳавфсизликни таъминлашни умумжаҳон муаммосига айлантиради.

<sup>10</sup> И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т:Ўзбекистон, 1997. – Б.12 .

<sup>11</sup> И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т3.Ўзбекистон , 1996. – Б.80.

Бугунги кунда дунёда аҳамияти ва қўлами жиҳатидан ўзига хос бўлган ўзгаришлар рўй бермоқда. Улар мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда вужудга келган қарашлар ва уларнинг сабабларини кўп жиҳатдан қайта баҳолашни ҳам талаб қиласди. Шу сабабли “совук уруш” даврида халқаро муносабатларга асос бўлган кўп қоидалар, тамойил ва ғояларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинмоқда. Бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда. Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш заруриятини олдинга олиб чиқмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримов таъкидлаб ўтганидек, “XXI аср халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинадиган аср эканлигини қузатишимиз мумкин. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда мустақил давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини факат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, умуман – бутун сайёрамиз кўламида ҳам хавфсизлик ва барқарорликнинг асосий омили деб ҳисоблаш зарур<sup>12</sup>”.

Сўнгги йилларда Халқаро муносабатлар тизимида содир бўлган кескин ўзгаришлар, бир томондан, хавфсизлик муаммоси долзарблигининг янада ортганлигига олиб келган бўлса, иккинчи томондан эса, халқаро муносабатлар, миллат, давлат, «хавфсизлик» борасидаги тушунча ва қарашларни қайта кўриб чиқиш заруратини илгари сурмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: «Афтидан, бугунги кунда хавфсизлик ва барқарорлик йўлида пайдо бўлаётган таҳдидларга тегишли муносабатда бўла олишнинг ўзигина етарли эмас. Шу ўринда мавжуд хавф-хатарларнинг табиатини тўғри тушуниб этишимиз керак. Уларнинг манбалари ва ўзаро алоқаларини вақтида аниқлашимиз лозим. Жамиятда барқарорликни

<sup>12</sup>Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б.298.

сақлаш шарт-шароитларини белгилаб олишимиз ва улардан самарали фойдаланишимиз зарур. Ўзбекистон Республикасининг барқарор ва событқадамлик билан ривожланиши шуларга боғлиқ», - деб айтади<sup>13</sup>.

«Хавфсизлик» атамаси қамраб олган маънони чуқур англаб этиш ва унитаҳлил этиш кўпчилик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Илмий адабиётлар таҳлили “Ҳавфсизлик” тушунчасини очиб беришга турлича ёндашувлар мавжуд эканлигини кўрсатди. Бундай ҳолатнинг юзага келишининг бир неча сабаблари мавжуд, ушбу сабаблардан бири “Ҳавфсизлик” тушунчасининг мазмун-моҳиятнан кенг қамровли тушунча эканлиги бўлса, иккинчиси-замонлар ўзгариши билан ҳавфсизликка таҳдид солувчи янгидан-янги кучларнинг пайдо бўлишидир.

Дарҳақиқат, “Ҳавфсизлик” тушунчаси серқирра тушунча бўлиб, унда бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган шахс, давлат ва ҳалқаро ҳавфсизлик каби тушунчалар мужассам этган. Унинг кенг маънодаги мураккаб тушунча эканлиги эса инсоният учун тараққиёт кафолатларининг таъминланишни, мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли манфаатларига мувофиқ келувчи, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, қобилиятларини тўлиқ намоён қилиш ва турмуш даражасининг муттасил ўсиб боришига имкон берувчи тизимни барпо этишни ўз ичига қамраб олишда намоён бўлади.

Харбий энциклопедик луғатда “хавфсизлик” ибораси бирир ҳавфнинг йўқлиги, сақланиб қолиш, ишончлилик сифатида таърифланган<sup>14</sup>.

“Ҳавфсизлик” тушунчасига берилган аксарият таърифларда мамлакатларнинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти асосий мезон қилиб олинганигини кузатиши мумкин. Ҳусусан, араб сиёсатчиси Абдулмунъим-ал-Машат таърифига кўра, “Ҳавфсизлик” бу миллатнинг унинг яшашига солинадиган, бошқа мамлакатлардан ёки ўз мамлакатнинг ичидан чиқаётган

<sup>13</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 11.

<sup>14</sup> С.М.Фафуров Ҳавфсизлик стратегияси: Марказий Осиё республикалари ва Форс кўрфази араб давлатлари амалиёти - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутбхонаси, 2007. – Б.44.

хавфга қаршилик қилиш учун етарли бўлган иқтисодий ва ҳарбий қудратини таъминловчи ҳолатдир”<sup>15</sup>.

Яна бир гурух тадқиқотчилар хавфсизликка кўпроқ ташқи хавф-хатар нуқтаи назаридан ёндашиб, хавфсизликка ташқи хавфлардан озод бўлишга амалдаги қодирликдир деб таъриф беришади.<sup>16</sup>

Шунингдек, рус олим Ю.Федоров хавфсизлик борасида қуйидаги фикрни билдириган: “..миллий хавфсизлик бизнинг нуқтаи назаримизда ушбу мамлакатнинг эркин, мустақил ва тинч ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминлашни билдиради”<sup>17</sup>.

Қуйидаги таъриф ҳам илмий адабиётларда кенг учрайди: “хавфсизлик атамаси шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини ташқи ва ички хатарлардан ҳимояланганлик ҳолатидир”<sup>18</sup>. Кўриниб турибдики, ушбу таъриф юқорида келтирилган таърифлардан маъно жихатдан кескин фарқ қилмайди.

Шу билан биргаликда, “хавфсизлик бу - объектнинг хавфсиз ҳолати, хавф-хатарлардан ҳолилиги, вазиятни ёмон томонга қараб ўзгартириб бўлмаслиги”; “давлатга ички ёки ташқи муҳитдан келиб чиқадиган таҳдидларга қаршилик кўрсатиш борасида миллатнинг етарли ҳарбий ва иқтисодий салоҳиятини таъминловчи ҳолат”; “ташқи хавфлардан холис бўлишнинг реал имконяти”; “дунё халқлари хавфсизлиги ёки тинчлигига таҳдид соловчи турли хил омиллардан холи этилган, халқаро муносабатлардаги ҳолатидир”<sup>19</sup>.

Хавфсизликка берилган яна бир таърифда С.Тошев ушбу тушунчани ҳолат сифатида баҳолайди “Хавфсизлик – шахс, ижтимоий гурухлар, жамият,

<sup>15</sup> Мұхаммадсидиқов М.М. Саудия Арабистони Подшохлигининг Қизил денгиз минтақасида хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг хусусиятлари. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси, –Б. 17.

<sup>16</sup> Кушев А. Проблемы безопасности государств Центральной Азии /Региональная безопасность и сотрудничество в Центральной Азии и на Кавказе// Центральная Азии и Кавказ 2000 №5 –С.11.

<sup>17</sup> Турсунмуратов Т.М, Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда илмий техник салоҳият омили: Дис. ...сиёсий фанлар номзодлиги учун. - Т.: 2008. – Б- 15.

<sup>18</sup> Рахмонов А.Р. Проблемы безопасности: на национальном, региональном и глобальном уровнях. (международной-правовой аспекты). – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 57.

<sup>19</sup> Дипломатический словарь.-М.: Наука ,1985. 2-т. – С.190.

давлат, цивилизацияга тегишли муҳим манфаатларнинг ички ва ташки таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир,”<sup>20</sup>

В.И.Митрохин “хавфсизлик-шахс, ижтимоий гуруҳлар, давлат ва жамият қадр-қиммати, шаъни, яшаш муҳитининг, умуман олганда цивилизатсиялар ҳимоянганлик ҳолатидир. Хавфсизлик ижтимоий-фалсафий категориялар синфиға мансуб бўлиб фанлараро комплекс ҳолатида кўриб чиқиши талаб қиласди”- деб таъкидлаб ўтган<sup>21</sup>.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низомида “хавфсизликни таъминлашда бор кучни бирлаштириш” бу ташкилотнинг асосий мақсадларидан бири деб эътироф этилган. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг аъзо давлатлари томонидан 1975-йили 1-августда имзоланган хавфсизлик масаласи бўйича “Якунлов акти”да хавфсизликни таъминлаш уни таҳдид актида қолдирувчи барча ҳаракатлардан тийилиш” деб белгилаб қўйилган.<sup>22</sup> Мазкур ҳалқаро нормативлардан кўриниб турибдики хавфсизлик деганда – миллий хуқуқий алоқаларга боғлиқ бўлган ҳалқаро муносабатларда маълум бир ҳолатнинг таъминланиш тушунилади. Эътиборимизни тортган яна бир “Хавфсизлик” таърифи қўйидагича: “Хавфсизлик-бу ҳалқаро муносабатларнинг, эркин дунёнинг бузилишини, ҳалқларнинг хавфсизлигига ҳар қандай шаклда бўлмасин таҳдид солинишини истисно қилувчи ҳолатdir.”<sup>23</sup>

“Хавфсизлик” атамасига берилган таърифлар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда ушбу атама “шахс, жамият ва давлатнинг хатарлардан ҳимояланганлик ҳолати” сифати талқин қилинади.

<sup>20</sup> Ўзбекистонда политология. –Т.: Шарқ , 2002. – Б.174.

<sup>21</sup> Турсунмуратов Т, М, Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда илмий техник салоҳият омили: Дис. ...сиёсий фанлар номзодлиги учун. - Т.: 2008. Б.15.

<sup>22</sup> С.М.Фауров Хавфсизлик стратегияси:Марказий Осиё республикалари ва Форс кўрфази араб давлатлари амалиёти - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутбхонаси, 2007. – Б.16.

<sup>23</sup> Муҳаммадсидиқов М.М. Саудия Арабистони Подшохлигининг Қизил денгиз минтақасида хавфсизлики таъминлаш сиёсатининг хусусиятлари.Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси , – Б . 21.

:

“Хавфсизлик” атамасига турли даврларда турли сиёсатчи омиллар томонидан келтирилган таърифларда ўша даврдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолат, мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қудратлилик даражаси, у ёки бу минтақанинг жаҳон сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги мавқеи каби омиллар ҳисобга олинган. Шу сабабли мазкур таърифларда нафақат муайян тизим, тартиб, балки мунтазам эволюцион ривожланиш борлигини кузатиш мумкин.

Ҳар қандай сиёсий-ижтимоий категория сингари хавфсизлик тушунчаси ҳам кенгайиш йўналишида ўзгариб борган. Инсоният цивилизациясининг дастлабки белгилари пайдо бўла бошлаган даврда алоҳида олинган индивид хавфсизлиги тушунчаси пайдо бўлган бўлса, кишилик жамиятининг эволюцияси шаҳар аҳолиси хавфсизлиги, миллат, ҳалқ хавфсизлиги каби тушунчаларнги келтириб чиқарди. XX асрда инсониятни ларзага солган қатор урушлар минтақавий ва глобал хавфсизлик каби тушунчаларни келтириб чиқарди-ки, мавжуд хавфсизлик тизимлари эндиликда инсониятни нафақат ҳарбий, балки сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва ҳаттоқи ғоявий кўринишига эга бўлган хавф-хатарлардан сақланишни ўзини олдига мақсад қилиб олди.

Шундай қилиб хавфсизлик:

- шахс жамият, давлатнинг хатарлардан ҳимояланганлик ҳолати;
- миллатнинг бошқа мамлакатлардан ҳам, ўз мамлакати ичидан ҳам бўладиган ўз мавжудлигига нисбатан таҳдидларга қаршилик кўрсатиш учун етарли даражадаги иқтисодий ва ҳарбий қудратини таъминловчи ҳолати;
- ҳалқларнинг хавфсизлигига таҳдид солишини истисно этувчи ҳолати;
- инсоният учун тараққиёт кафолатларининг таъминланишини, мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли манфаатларига мувофиқ келувчи, уларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилувчи қобилиятларини тўлиқ намоён қилиш ва турмуш даражасининг муттасил ўсиб боришига имкон берувчи тизим экан, унда шахс, жамият, давлат, минтақа, дунё хавфсизлиги каби бир-бирига асос солувчи

тушунчалар намоён бўлмоқда. Дарҳақиқат, миллий хавфсизлик, ижтимоий учлик-шахс, жамият ва давлатнинг хавфсиз мавжуд бўлиши ва ривожланишда намоён бўлар экан,<sup>24</sup> минтақа хавфсизлиги ушбу минтақа давлатлари хавфсизлиги, глобал хавфсизлик эса минтақалараро хавфсизлиқда намоён бўлади.

Хавфсизлик” атамасига берилган таърифлар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда ушбу атама “шахс, жамият ва давлатнинг хатарлардан ҳимояланганлик ҳолати” сифати талқин қилинади.

Дарҳақиқат, миллий хавфсизлик, ижтимоий учлик-шахс, жамият ва давлатнинг хавфсиз мавжуд бўлиши ва ривожланишда намоён бўлар экан,<sup>25</sup> минтақа хавфсизлиги ушбу минтақа давлатлари хавфсизлиги, глобал хавфсизлик эса минтақалараро хавфсизлиқда намоён бўлади.

Ҳозирги даврда халқаро муносабатлар тизимида юз берадиган ўзгаришлар натижасида минтақавий хавфсизлик ва халқаро хавфсизлик каби тушунчаларнинг моҳиятини тушунишга, уларнинг ўзаро боғлиқлигини англашга эътибор ортиб бормоқда. Бу борада бир қатор хорижий олимлар, жумладан А.В. Возжеников хавфсизликни “ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” нуқтаи назардан кўриб чиқишини ва уни қуйидаги тизимга ажратишни тавсия қиласди. Булар:

-Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги - жамият ва моддий оламнинг турли хил салбий омиллар таъсиридан инсоннинг ҳимояланганлик ҳолатига айтилади.

-Инсоннинг ҳаёт кечириш хавфсизлиги - хар бир инсоннинг ўз организмига салбий таъсир кўрсатувчи турли хил омиллардан ҳимояланиш ҳолатига айтилади.

-Миллий хавфсизлик - шахс, жамият ва давлатнинг ҳаёт фаолияти давомида ўзининг муҳум манфаатларини кўзлаб, халқаро муносабатларда тенг

<sup>24</sup> С.М.Фофуров. Хавфсизлик стратегияси: Марказий Осиё республикалари ва Форс кўрфази араб давлатлари амалиёти. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нашриёти Т2007 –Б.17.

<sup>25</sup> Мухаммадсидиқов М.М. Саудия Арабистони Подшохлигининг Кизил денгиз минтақасида хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг хусусиятлари. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси, – Б.17.

хуқуқлилик асосида мустақил иштирок этиш ҳамда ички барқарорликни таъминлашга таҳдид солаётган ташқи ва ички хавф-хатарлардан ҳимояланиш ҳолатидир. Миллий хавфсизлик тизими ўзининг алоҳида қадрятлари ва устувор йўналишларига эга бўлиш билан бир қаторда, миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик туркумига киради. Бундан ташқари ундаги ҳар бир элемент ўзининг доминантларига эга<sup>26</sup>.

Сиёsatшунос олим С.Сайдолимов таъкидлаганидек, бугунги кунда дунёning сиёсий, иjтимоий, иқтисодий, харбий ва экологик хавфсизлик ҳолати хавфсизликка нисбатан замонавий ёндашувларни тўғри ишлаб чиқишга ҳамда миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликка нисбатан концептуал қарашларни ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда<sup>27</sup>.

**Минтақавий хавфсизлик** - глобал, халқаро хавфсизликнинг таркибий қисми бўлиб, ер шарининг маълум бир минтақасига қаратилган хавфсизликка нисбатан айтилади. Яъни бунда минтақанинг ривожланишига, барқарорлигига, ундаги давлатлар гурухлари ўртасидаги алоқаларга уруш, бекарорлик таҳдидини солаётган омиллардан ҳимояланиш ҳолати тушунилади. “Минтақавий хавфсизлик маълум бир муштарак геосиёсий муҳитда жойлашган ва бир - бирига узоқ тарихдан бевосита боғланиб қолган халқлар, миллатлар, давлатларга тегишли бўлган ҳаётий муҳум манфаатларни ички ва ташқи таҳдидлардан давлатлараро ҳамкорлик асосида ҳимоя қилиш ҳолатидир”<sup>28</sup>.

Минтақавий хавфсизлик миллий ва халқаро хавфсизлик билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга, минтақавий хавфсизлик ўзининг хусусиятларига, маълум бир даражада мустақиллик берувчи хусусий тизим элементларига эга. Бугунги кунда Европа хавфсизлик тизими минтақавий хавфсизлик тизимиға мисол бўла олади.

<sup>26</sup> Муҳаммадсидиков М.М. Саудия Арабистони Подшохлигининг Қизил денгиз минтақасида хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг хусусиятлари. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси, – Б. 17.

<sup>27</sup> Битўраев Ў.Б.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси –жамиятнинг баркорор ривожлониши кафолати :сиёсий, хуқуқий ва ташкилий жиҳатлари. Илмий амалий конференция материаллари тўплами: Тошкент, 2010. – Б. 187.

<sup>28</sup> Ўзбекистонда политология. –Т.: Шарқ, 2002. – Б. 174.

Таъкидлаш жоизки, миңтақавий хавфсизликни шакллантириш миңтақавий интеграция жараёнининг асосларидан ҳисобланади. Рус олими Г.А.Дработ эътирофича, миңтақавий интеграция икки хусусиятга эга:

- биричидан, у глобализациянинг тайёрлов босқичи сифатида номоён бўлса,
- иккинчидан, глобализация муқобили сифатида ҳам қаралмоқда<sup>29</sup>.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, хозирги глобаллашув шароитидан келиб чиқсан ҳолда хавфсизлик тушунчасини ҳарбий ва ҳарбий сиёсий муносабатлар доирасидан кенгроқ маънода, иқтисодий, ижтимоий, экологик, технологик, ахборот, маданий ва бошқа соҳалардаги ривожланиш жараёнлари билан ҳамоҳанглиқда талқин этилишини тақозо этмоқда. Минтақавий, глобал, ва миллий хавфсизликни ўрганишга бағишлиланган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, хавфсизлик тушунчаси турли назарияларда турлича изоҳланган ва ягона таърифга эришилмаган.

---

<sup>29</sup> Битўраев Ў.Б.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси –жамиятнинг барқорор ривожлониш кафолати: сиёсий, хуқуқий ва ташкилий жихатлари. Илмий амалий конференция материаллари тўплами: Тошкент, 2010. – Б.188.

## **1.2. Марказий Осиёнинг минтақавий ҳавфсизлигига таъсир кўрсатувчи омиллар**

Ҳалқаро тинчлик ва ҳавфсизлик бутун дунё давлатларининг ҳамкорлигини тақозо этса минтақавий ҳавфсизликни таъминлаш шу минтақада жойлашган давлатларнинг ҳамкорлигини, мавжуд муаммоларни уйғунлиқда ҳал этилишини талаб қиласди.

“Совуқ уруш” барҳам топгандан сўнг, глобал воқеалар ривожи жаҳон бозори айнан Марказий Осиё минтақасига кўчганини кўрсатмоқда. XXI аср бўсағасида Марказий Осиёда шаклланаётган бу бозор Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов айтганидек, “энергия тақчиллиги шароитида яқин йилларда Евроосиё ва жаҳон келажаги учун ҳал қилувчи рол ўйнайдиган энергия заҳираларига эга” эканлиги билан ахамиятлидир. Шу боисдан ҳам бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси давлатлари қўплаб қудратли давлатлар эътиборини ўзига тортмоқда.

Бинобарин, бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари ҳалқаро муносабатларнинг янгича тизими таркиб топиши жараёнига нафақат жадал кириб боряпти, айни пайтда бу жараёнларга ўз таъсирини ҳам ўтказяпти. Бунда икки мухим омил: геостратегик шароит ва табиий ресурслар минтақага айрим геосиёсий кучларнинг жиддий эътибор билан қарашига сабаб бўлмоқда. Шу жумладан, танглик вазиятларининг юзага келишида ва сақланиб туришида асосий сабаб бўлувчи **ички** ва **ташқи** омилларни ҳам эътиборга олиш лозим<sup>30</sup>.

**Ички омиллар** сирасига чегаравий келишмовчиликлар, сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги масалалар, экологик ва демографик муаммоларни киритиш мумкин.

---

<sup>30</sup> Жўраев Н. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – Б.219.

Бундан ташқари, ҳозирги даврда Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигига хавф солаётган таҳдидларни асосан тўрт босқичга ажратиш мумкин:

**Биринчи босқичда** - диний ва сиёсий экстремизни, халқаро терроризмни ва наркобизнес каби таҳдидлар.

**Иккинчи босқичда** - давлатлараро қарама-қаршиликлар, зиддиятларни киритиш мумкин. Булар, биринчи навбатда, минтақа давлатлари ўртасидаги чегараолди дарё сувларидан самарали фойдаланиш муаммолари, чегараларни делиминатсия қилиш билан боғлиқ ҳудудий масалалар ва этник зиддиятлар экологик, иқтисодий муаммолар ва бошқалар.

**Учинчи босқичида** - глобаллашув оқибатида минтақа давлаталри илғор босқичлар билан ривожланаётган технологик тараққиётдан ортда қолиб кетишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Тўртинчи босқичда** - таҳдидларни бевосита геосиёсат билан боғланади чунки Марказий Осиё минтақаси инсоният ривожланишида, халқаро кучлар мувозанатида доимо муҳим рол ўйнаб келган<sup>31</sup>.

Юқоридагиларга асосланиб, Марказий Осиё минтақаси хавфсизлик муаммоларини шартли равишда қўйидаги туркумларга ажратган ҳолда ёритиш мумкин:

- хавфсизлик муаммолари бўйича минтақа давлатларини бирлаштирувчи ёки ажратувчи ички минтақавий омиллар;
- манбаси минтақадан ташқарида мавжуд бўлган, турли характерга эга ва минтақа давлатлари хавфсизлигига бевосита таҳдид соловчи омиллар;
- мавжуд таҳдидларни бартараф этишга қаратилган минтақавий ва глобал даражадаги интегарцион жараёнлар.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Марказий Осиё хавфсизлигига рапна солиши мумкин бўлган ички минтақавий омиллар

---

<sup>31</sup>Жўраев С., Сайдолимов С., Абдуганиева З. Халқаро Хавфсизлик —Т.: Академия, 2007. –Б.298.

чегаравий келишмовчиликлар, сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги масалалар, экологик, этномаданий ва демографик муаммолар билан боғлиқ.

XX аср сўнгига жаҳон сиёсий харитасида амалга ошган серкирра жараёнлар Марказий Осиёда ҳам кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Минтақада рўй берётган ғоявий-сиёсий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар ана шу ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир.

Маълумки, бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси халқаро муносабатлар тизимида геосиёсий ва иқтисодий жиҳатдан янада муҳим аҳамият касб эта бошлади. Бу омил бир томондан Марказий Осиё давлатларининг ривожланишлари учун кенг имкониятлар яратса, иккинчи томондан бир қатор муаммоларни юзага келтиради. Шу нуқтаи назардан минтақа хавфсизлигини таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда глобаллашув жараёнларининг ривожланиб бориши Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш муаммоларини янада мураккаблаштирмоқда. Бунинг асосий сабаби минтақада янги кўринишдаги хавф ва таҳдидлар юзага келмоқда ва улар ўзининг кўлами жиҳатидан трансчегаравий аҳамият касб этмоқда. Бир сўз билан айтганда, Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига нисбатан бошқа давлатлар томонидан бўладиган анъанавий ҳарбий таҳдидлар ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда ва унинг ўрнига трансчегаравий таҳдидлар юзага келмоқда.

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш бугунги куннинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро хавфсизликнинг таъминланиши ҳар бир мамлакат тараққиётининг асосий шарти ҳисобланади.

Шунингдек, ўзбекистонлик мутахассислардан Р.М.Алимовнинг фикрларига кўра, хавфсизлик нуқтаи назаридан Марказий Осиё минтақаси Афғонистон билан географик боғлиқликка эга бўлиб, бу ҳудуддан жуда кўп микдорда гиёхванд моддалар, қурол-яроғларнинг олиб ўтилиши ҳозирги даврда

ҳам минтақа давлатлари барқарорлиги ва хавфсизлиги учун жиддий таҳдид бўлиб келмоқда<sup>32</sup>.

XX асрнинг сўнгидаги Марказий Осиё минтақасида сиёсий ва иқтисодий соҳаларда юз берган кескин ўзгаришлар бу каби трансчегара вий таҳдидларнинг юзага келиши учун маълум даражада кенг имкониятлар яратди.

Жумладан, XX асрнинг охири диний қадриятларнинг уйғониш даври бўлди. Бу каби ўзгаришлардан ислом дини ҳам четда қолгани йўқ. Бу жараёнлар Марказий Осиё минтақасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Марказий Осиё минтақасидаги диний-сиёсий вазият таҳлили XX асрнинг 90-йиллари охирларидан бу ҳудудда диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг ривожланганлигидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...” номли асарида бундай деб ёзган эдилар: “...Аниқ-равшанки, жаҳон жамоатчилиги... диний экстремизм ва фундаментализм каби кескин ҳодисалар муносабати билан хавфсираётгани кўзга ташланмоқда... Ҳозирги замон тарихида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин”<sup>33</sup>.

Жаҳонда хавфсизликка таҳдид солаётган, ўзининг бу таҳдида билан дунё жамоатчилигини ташвишлантираётган диний фундаментализм ва экстремизмнинг ўзи нима?

“Фундаментализм” – лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида “асос”, “пойдевор” деган маъноларни англатади.

Шу маънода олганда диний фундаментализм у ёки бу динни ўша дин пайдо бўлган дастлабки кўриниш ҳолатига қайтариш демакдир. Бу қоидани исломга нисбатан қўлласак, ислом фундаментализми дейилганда бугунги

<sup>32</sup> Алимов Р. М., Арифханов Ш. Р. И др. Центральная Азия: геоэкономика, geopolитика, безопасность. – Т.: Шарқ, 2002. – С. 9.

<sup>33</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б.34.

исломни у пайдо бўлган VII асрдаги ҳолатига қайтаришга уриниш тушунилади. Фундаментализм – ақидапарастлик деб ҳам аталади.

Исломни VII аср ҳолатига қайтариш асло мумкин эмас. Дунёвий давлат ўрнига Ислом давлати ҳам тузиш мумкин эмас. Шунингдек, жаҳон фани давлат фақат дунёвий бўлиши кераклиги, диний давлат тараққиётга олиб келмаслигини исботлаб берган.

Фундаменталистлар ҳам буни яхши тушунадилар. Бироқ, уларнинг мақсадлари ҳокимиятни қўлга киритиш бўлганлиги учун, ўз режаларидан воз кечмайдилар. Тинч йўл билан ҳокимиятни қўлга киритиш мумкин эмаслигини яхши англаганликлари учун улар курашнинг кескин йўлини – экстремистик йўлини танлаганлар.

Бугунги кунда диний экстремизм ва терроризм дунё давлатлари хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатувчи асосий таҳдидлардан бири ҳисобланади.

Шу тариқа экстремизм ҳозирги вақтда тинчликни хавф остида қолдирувчи, жамият ҳаётидаги сиёсий барқарорликка таҳдид соловчи омилга айланди. Ақидапарастлик кўринишлари фақат ислом динигагина хос хусусият эмас. У дунёдаги бошқа динларга ҳам хосдир.

Дунёда ислом ақидапарастлигининг қатор диний-сиёсий оқимлари мавжуд. Марказий Осиё минтақасида улардан асосан иккитаси – “ваҳҳобийлик” ва “ҳизбут-тахрир” гурухларининг фаолиятини кузатиш мумкин<sup>34</sup>.

Ҳозирги вақтда Марказий Осиё аҳолисининг асосий қисми ислом динига эътиқод қиласди. Лекин шунга қарамасдан, бугути кунда минтақа аҳолиси дунёнинг бошқа мусулмон мамлакатларида мавжуд бўлган ислом динининг сиёсийлашган кўринишда амалда бўлишидан манфаатдор эмас. Шу вақтга қадар минтақада диний асосда келиб чиқсан у ёки бу кўринишдаги қарама-қаршиликлар юзага келмаган. Бу Марказий Осиёда диний бағрикенгликнинг

---

<sup>34</sup> Жўраев У. Т., Сайджонов Й. С. Дунё динлари тарихи. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. –Б. 140.

юқори даражада эканлигидан гувоҳлик беради ва минтақада тинчлик ва барқарорликнинг таъминланишига имкониятлар яратади.

ХХ асрнинг 80-90-йилларида бутун дунёда диний омилнинг фаоллашуви собиқ советлардан кейинги маконда ҳам ўз аксини топди. Бу давр жамият тараққиётида, бир жиҳатдан, диний эътиқоднинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги табиий мавқеи тикланаётган, иккинчи томондан, мазкур асосда айрим мавкуравий зиддиятлар туғилиши вақти бўлди.

Марказий Осиёдаги республикалар ўз мустақиллигига эришиши ва унинг мустаҳкамланиши даврида “ислом омили” “ислом уйғониши”, “қайта исломлашиш”, “ислом феномени” каби иборалар тобора кўпроқ ишлатилиб, бу ҳол уларнинг бекиёс фаоллашувини ўзида акс эттиради. Бунга сабаб собиқ совет давлатининг мавкуравий тасаввурлари ва қадриятларининг емирилиб, муайян вақт давомида ҳосил бўлган маънавий бўшлиқни тўлдириш эҳтиёжи бўлди. Коммунистик мафкуранинг маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлиб, ўзига хос мутаассибли ва муайян миллатлар манфаатларига қарши қаратилганлиги шўро ҳокимиятидан кейин бу ҳудудда диний фундаментализм учун қулай шароит тугдирди.

Собиқ иттифоқдаги хукмрон партиянинг намоёндалари диний жамоаларни халқларнинг ақл-идрокини эгаллаш учун курашда ўзларининг рақиби деб ҳисоблаши диннинг чекиниши ва ҳатто унинг муайян маънодаги мухолиф кучга айланишига олиб келди. Диннинг доимий таъқиб остида бўлиб келгани, ислом дини энг салоҳиятли уламоларининг қатағон қилиниши, минглаб масjid ва мадрасаларнинг бузиб ташланиши диний таассубни йўқотишига эмас, балки унинг илдизларини озиқлантирувчи хатарли омилларнинг кучайишига олиб келди. Миллатлар орасида ўзликни англаш туйғуси этник жиҳатдан насл-насабини излашга интилиш кучайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Марказий Осиёда ислом динининг сиёсийлашлашган кўринишда бўлиши минтақадаги сиёсий вазиятни бекарорлаштириш билан бирга ислом дини ўзида мужассамлаштирган ҳақиқий

қадриятлардан узоқлашишга олиб келади. Лекин сўнги вақтларда бир қатор чет эллик мутахассислар ва турли хил “хуқуқни ҳимоя қилувчи” ташкилотлар Марказий Осиёда давлат ва жамият дунёвий кўринишда эканлигига кам ахамият бермоқда. Бундан ташқари минтақа давлатлари, жумладан Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва фундаментализмнинг ғоявий асоси бўлган сиёсийлашган ислом динининг юзага келишига йўл қўймаслик ва уни олдини олишга бўлган уринишлари улар томонидан инсон ҳуқуqlари ва демократия тамойиллари га мос эмас деб баҳоланмоқда.

Бугунги кунда Марказий Осиёда юзага келган вазият минтақада, энг аввало, Афғонистон ва унинг атрофида XX асрнинг 70-йилларида бошланган геосиёсий ўйинларнинг оқибатлари ҳисобланади.

Шу билан бирга бугунги кунда экстремизм ва терроризм ўртасида уларнинг фарқларини аниқлашга имкон берувчи аниқ чегарани ўтказиш эҳтимолдан узоқ. Масалан, бир қанча йиллар давомида диний-экстремистик ташкилот сифатида таснифланган Ўзбекистон Ислом Ҳаракати бугунги кунда террорчи групҳо сифатида фаолият олиб бормоқда.

1990-1991 йилларда сабиқ Совет Иттифоқи тарқалганидан сўнг бу ҳудудда ғоявий бўшлиқ юзага келганлиги сабабли бу муаммо янада муҳим ахамиятга эга бўла бошлади. Ислом экстремистик ташкилотларининг аъзолари минтақа давлатларидаги дунёвий ҳокимият тизимини йўқ қилишга қаратилган диний-экстремистик кўринишдаги адабиётларни тарқата бошлади. Улар томонидан тарқатилган ғоялар аҳолининг маълум қатламлари орасида кенг оммалаша бошлади ва ўзаро қарама-қаршиликларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

2001 йилнинг 11 сентябрида содир этилган террорчилик ҳаракатларидан сўнг Марказий Осиёдаги сиёсий вазият ўзгарди. Жумладан, Афғонистон ҳудудидаги Ўзбекистон Ислом Ҳаракати томонидан юзага келиши мумкин бўлган таҳдидлар ўз аҳамиятини йўқотди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Ислом Ҳаракати террорчи ташкилот сифатида кенг кўламли ҳарбий ҳаракатлар

ўтказиш имкониятига эга эмас. Лекин бу ташкилот томонидан минтақа хавфсизлигига бўладиган таҳдидлар тўлиқ бартараф этилмаган.

Марказий Осиё ва дунёдаги сиёсий вазият ўзгарганлигига қарамасдан бир қатор ислом давлатлари Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа мамлакатларда ўзларининг ислом динини сиёсийлаштиришга бўлган уринишларини давом эттирмоқда. Бу борада мутахассислардан Р. М. Алимов таъкидлаганидек, диний экстремизмнинг ғоявий раҳбарлари Марказий Осиёда ноанъанавий диний гурухлар ва оқимларни шакллантиришда Ўзбекистон қаршилик қўрсатувчи асосий давлатлардан бири эканлигини эътироф этишмоқда<sup>35</sup>.

Марказий Осиё хавфсизлигини таъминлашда бу ерда мавжуд бўлган диний-экстремистик кайфиятдаги “Хизб ут-Таҳрир” гурухлари янада мураккаб муаммоларни юзага келтиради. Бу ташкилот Марказий Осиёдаги сиёсий режимни йўқ қилишга ва бу ерда ягона ислом халифалигини ташкил этишга ҳаракат қилмоқда. Бу ташкилот Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистондан ташқари яна дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида жумладан, Эрон, Ироқ, Жазоир, Судан, Яман, Покистон ва Афғонистон каби давлатларда фаолият олиб бормоқда. “Хизб ут-таҳрир” вакиллари Буюк Британия ва Покистонда Ташкилот номидан ўз қарашларини баён этади.

Америкалик мутахассислардан Ариэль Коэн “Хизб ут-таҳрир” ташкилотининг фаолият усувлари билан ленинчиларнинг стратегия ва тактикалари ўртасида кўплаб умумий ўхшашликлар борлигини эътироф этган. Жумладан, уларнинг мафкураси ва кураш усувларини ўзаро тенглаштириш мумкин<sup>36</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки “Хизб ут-таҳрир” ташкилотининг Марказий Осиёдаги фаолияти фақат Ўзбекистон билан боғлиқ ҳодиса эмас. Бу ташкилотининг Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларида ҳам фаол ҳаракатларини кузатишимиз мумкин. Қирғизистон Республикаси ҳукуқни ҳимоя қилиш органларининг огоҳлантиришларига қарамасдан, ўзининг “демократик

<sup>35</sup> Алимов Р. М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: Шарқ, 2005. – С. 133.

<sup>36</sup> Ўша жойда –Б.135.

мамлакат” мавқеини сақлаб қолиш мақсадида бу давлат “Хизб ут-тахрир” ташкилотининг фаолиятига қарши кескин чоралар кўришдан сақланмоқда. Расмий маълумотларга кўра Қирғизистон Республикасида ташкилотнинг 5,8 минг аъзоси борлиги аниқланган.

Умуман олганда, Марказий Осиёда диний-экстремистик кайфиятдаги бу каби гуруҳлар фаолияти минтақа хавфсизлигини таъминлашда янада мураккаб муаммоларни юзага келтиради.

Маълумки, Марказий Осиё ва бутун дунёда диний экстремизм ва халқаро терроризм муаммоси гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши билан кўп томондан боғланган. Бугунги кунда халқаро терроризм асосан гиёҳванд моддалар савдоси асосида молиялаштирилмоқда. Жумладан, расмий маълумотларга кўра Ўзбекистон Ислом Ҳаракати Марказий Осиёда фаолият олиб бориш учун халқаро террорчи ташкилотлардан 400 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ олган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, дастлаб бу гуруҳлар ўзларининг гиёҳванд моддалар савдосига алоқадорлигини яширган бўлса, ҳозирги кунда гиёҳванд моддалар бошқа диндаги кишиларга етказилиши ва олинадиган даромад уларга қарши кураш учун ишлатилишини эътироф этишмоқда.

Марказий Осиёда ноанъанавий диний гуруҳларнинг шаклланиши бир томондан кўп йиллар давомида Афғонистонда юзага келган мураккаб вазият билан боғлиқ. Бундан ташқари Афғонистондаги шароит халқаро террорчи ташкилотларни молиялаштириш учун гиёҳванд моддалар етиштириш ва уларни экспорт қилишда кенг имкониятлар яратади. Ҳозирги вақтда бу маҳсулотларни Афғонистондан Европага етказиб беришда Марказий Осиё йўналишининг аҳамияти ортиб бормоқда. Сўнгги 10 йилликда Ўзбекистон божхона хизмати томонидан умумий миқдори 30 тоннадан ортиқ гиёҳванд моддалар ва уларни тайёрлашда фойдаланиладиган маҳсулотлар ушлаб қолинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гиёҳванд моддалар назорати бўйича Миллий ахборот-тажлилий марказининг

маълумотлариға кўра, Афғонистонда гиёҳванд моддалар етиштириладиган ҳудудлар 2005 йилга келиб 2004 йилга нисбатан 30% га кўпайган ва уларнинг умумий майдони 120 минг гектарга етган. 2005-2006 йилларда бу майдонлар яъни, дунёда етиштириладиган гиёҳванд моддаларнинг 85% ни ташкил этади. Афғонистонда ишлаб чиқарилаётган гиёҳванд моддаларнинг 24% дан кўп қисми “Шимолий йўналиш”, яъни Марказий Осиё ҳудудлари орқали олиб ўтилади<sup>37</sup>.

Шу билан бирга Афғонистонда ўзаро курашларнинг давом этаётганлиги ва кучли ҳукуматнинг мавжуд эмаслиги гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришга кенг имконият яратмоқда. Сўнгги икки йил давомида гиёҳванд моддалар етиштириладиган майдонлар 9-10 марта ортганлигини кузатиш мумкин. Бу маҳсулотларни тайёрлаш мамлакатнинг 32 та провинциясидан камида 24 тасида йўлга қўйилган. Бу борада мутахассислардан Р. М. Алимовнинг фикрларига кўра, Афғонистонда ишлаб чиқариладиган гиёҳванд моддаларнинг 90% дан кўп қисми асосан 5 та провинция хиссасига тўғри келади. Улар Гильменд (38%), Нангархар (30%), Бадаҳшон (9%), Уruzган (7%), Қандаҳор (5%) провинциялари ҳисобланади<sup>38</sup>.

Қийин ижтимоий-иқтисодий вазият ва афғон ҳалқининг яшаш шароитида муқобил манбаларнинг йўқлиги Афғонистонда гиёҳванд моддалар савдосининг ривожланишига шароит яратади. Афғонистон ҳукуматининг гиёҳванд ўсимликларни етиштиришни қатъий ман қилишига қарамасдан мамлакатда жуда кўплаб плантациялар сақланиб қолмоқда. Бир гектар майдонда етиштирилган таркибида гиёҳванд моддалар бор ўсимликлар буғдойга қараганда афғон деҳқонига 10 баробар кўп фойда келтиради<sup>33</sup>.

Шу сабабли Афғонистон яқин келажакда ҳам гиёҳванд моддаларни етказиб берувчи асосий ҳудудлардан бири бўлиб қолишини эътироф этиш лозим.

<sup>37</sup> Арифханов Ш. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Т.: Академ-Хизмат, 2007. – С. 105.

<sup>38</sup> Алимов Р. М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: Шарқ, 2005. – С. 143.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Афғонистонда барқарорликнинг таъминланиши фақат гиёхванд моддалар ишлаб чиқарилаётган ҳудуд атрофида “хавфсизлик зонаси”ни ташкил этиш, жазолаш ва бошқа шу каби маъмурий чора-тадбирларни кучайтириш билан боғлиқ эмас. Бу муаммони биринчи навбатда Афғонистон иқтисодиётини чуқур таркибий ўзгартириш, ахолини иш билан таъминлаш ва бошқа шу каби вазифаларни амалга ошириш билан ҳал этиш мумкин.

Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи тринсчегаравий таҳдидлардан яна бири бу – минтақада ноқонуний қурол-яроғ савдоси билан боғлиқ бўлган муаммолардир. Марказий Осиёда бу каби таҳдидларнинг келиб чиқиш сабаблари минтақада узоқ йиллар давомида шаклланган сиёсий вазият билан қўп жиҳатдан боғлиқ.

Умуман олганда, Марказий Осиёда ноқонуний қурол-яроғларнинг тарқалиши минтақа хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолади. Бу омил минтақадаги оддий берқарор вазиятни кенг кўламли қарама-қаршиликларга ўзгаришига сабабчи бўлиши мумкин.

Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизликка таъсир кўрсатувчи омиллардан экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муаммолар алоҳида аҳамиятга эга.

Мутахассислардан Р. М. Алимовнинг фикрларига кўра, бугунги кунда Марказий Осиё минтақасидаги асосий экологик муаммолар сифатида қуидагиларни эътироф этиш мумкин:

- чўл худудларининг кенгайиши ва тупроқ таркибининг ўзгариши;
- сув ресурсларининг ифлосланиши ва камайиши;
- радиация таъсирида атроф-муҳит ва атмосферанинг ифлосланиши;
- табиатда биологик хилма-хилликнинг кескин камайиши;
- Орол денгизи билан боғлиқ бўлган муаммолар<sup>39</sup>.

---

<sup>39</sup> Алимов Р. М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.:Шарқ , 2005. – С. 148.

Марказий Осиёдаги асосий экологик хавфлардан бири бу Орол денгизи билан боғлиқ бўлган муаммолардир. Орол денгизи муаммоси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Лекин бу муаммо сўнгти ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада ортди. Марказий Осиёнинг бутун ҳудуди бўйлаб суғориш тизимларини жадал суръатда қуриш қўплаб ахоли пунктларига ва саноат корхоналарига сув бериш бу муаммонинг юзага келишига сабаб бўлди. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди.

Умуман олганда, бугунги кунда Марказий Осиёда минтақасида мавжуд бўлган таҳдидларга қарши кураш, уларни бартараф этиш, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни хал этиш минтақада дарлатлари олдида турган муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга бу муаммоларни бартараф этиш минтақадаги барча мамлакатларнинг истиқболини ҳам белгилаб беради.

## **2-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАОЛИЯТИ.**

### **2.1. Марказий Осиёда диний экстремизм, фанатизм ва фундаментализмни бартараф этишда Ўзбекистон Республикасининг ўрни**

Бугунги кунда диний экстремизм ва халқаро терроризм дунё мамлакатлари учун нафақат ташқи, балки ички хавфсизликка ҳам дахлдор масалага айланди. Зоро, диний экстремистик ва халқаро террорчилик ташкилотлари жангарилик усуллари билан ҳокимият учун курашувчи гурухларни шакллантириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга интилмоқдалар.

Марказий Осиё давлатлари учун диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг хавфи 1990 йилда Наманган ва Андижонда, 1990–1996 йилларда Тожикистандаги фуқаролик уруши давомида, 1999 йили 16 февралда Тошкент шаҳрида, 1999–2001 йиллари Қирғизистоннинг Боткен, Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида, 2004 йилнинг март–апрел ойларида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида, 2004 йилнинг июл ойида Тошкент шаҳрида, 2005 йили май ойида Андижонда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари тимсолида ўзини яққол намойиш этди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси диний ақидапарастлик, мутаассиблиқ, экстремизм ва террорчиликнинг минтақавий ва умумбашарий миқёсдаги хавф эканидан келиб чиқиб, жаҳон ҳамжамияти унга қарши биргаликда курашиши лозимлиги тўғрисидаги ғояни жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари минбарларидан эълон қилди. Тўғрисини айтиш керак, Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш сиёсатининг моҳиятини ривожланган мамлакатлар ва дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари кечроқ англади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маъruzасида жаҳон ҳамжамиятини Афғонистон

муаммосини изчил ўрганиш ва ечишга чақирди. «Толибон» ҳаракатининг диний мутаассиб ва жангарилик фаолияти ҳақидаги ушбу ҳаққоний фикр кечикиб бўлса-да тан олинди.

2001 йилнинг 28 сентябрида БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши 1373(2001)-сонли резолюцияни қабул қилиб, БМТ доирасида терроризмга қарши кураш қўмитасини тузди. Ушбу қўмитанинг тузилиши ва фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таклиф қилган терроризмга қарши кураш халқаро марказининг концепциясига ҳамоҳангдир. Зеро, Юртбошимиз 1999 йилнинг ноябррида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Стамбулда бўлиб ўтган Саммитида ва 2000 йилнинг 7—8 сентябрида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг «Мингийиллик саммити»да БМТ тузилмаларида терроризмга қарши кураш халқаро марказини тузиш таклифини баён қилган эди. Ушбу ташаббус рўёбга чиққанидан сўнг, Ўзбекистон 2001 йил декабрь ойида ва 2002 йилнинг август ойида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг юқорида зикр этилган резолюциясининг бажарилиши хусусида БМТнинг терроризмга қарши кураш қўмитасига маърузалар тақдим этди.

Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши олиб бораётган сиёсатининг мақсади минтақада ва глобал миқёсда тинчлик, барқарорликни сақлаш, мамлакат мустақиллиги ва равнақи, халқининг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлашдир.

Экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ҳақида гап кетар экан, Ўзбекистон Афғонистонда тинчликка эришишда БМТнинг фаоллигини кучайтириш, Афғонистон ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этиш ва қурол-яроғ олиб киришни тақиқлаш, экстремизм ва халқаро терроризмнинг молиявий манбаи бўлган наркобизнес ва наркотрафикка қарши халқаро миқёсда курашиш каби масалаларда ҳам эътиборга молик таклифларни илгари сурганини таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан 1998 йилда ташкил топган «6+2» гуруҳининг БМТ раҳбарлигига 1998–1999 йилларда олиб борган фаолияти Афғонистонда экстремизм ва терроризмга қарши курашда катта ахамиятга эга бўлганини таъкидлаш зарур. Бу гуруҳ Афғонистон билан чегарадош олти давлат (Хитой, Ўзбекистон, Покистон, Эрон, Тожикистон, Туркменистон) ва минтақа ташқарисидан Афғонистондаги вазиятга жиддий таъсир қўрсатиб турган икки давлат – АҚШ ва Россия Федерациясининг юқори даражадаги вакилларидан ташкил топган эди. Бу гуруҳ бир қатор мажлислар, муҳокамалар ва музокаралар ўтказиб, уларга Афғонистонда бир-бири билан курашаётган кучлар вакилларини жалб қилиб, «Афғонистондаги мажарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Тошкент Декларациясини ва минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича бир қатор бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқди. 1999 йилнинг 28 июлида БМТ Хавфсизлик Кенгаши мажлисида «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви якунлари юксак баҳоланди.

Халқаро ташкилотлар ва айрим мамлакатлар ушбу йўналишда муайян ишларни амалга ошираётган бўлса-да, Афғонистон жаҳон ҳамжамияти учун ҳали-ҳануз таҳдидлар ўчоғи бўлиб қолаётганини, ушбу мамлакатда зиддиятларнинг кучайиб бориши, кескинлик ва терроризм кўламининг кенгайиши глобал хавфсизлик ва барқарорлик учун ҳамон жиддий таҳдид солаётганини ҳам таъкидлаш зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2007 йил апрелда Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлида кўп томонлама ҳамкорлик, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир масалалар муҳокама қилинган НАТО Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида қилган маърузасида баён этилган ғоялар дикқатга сазовордир.

И.Каримов таъкидлаганларидек, Афғонистондаги вазиятга ижобий таъсир қўрсатиши учун энг аввало ғоят мураккаб ижтимоий-иктисодий масалаларни,

аҳоли бандлиги, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш, аҳолининг халқаро коалиция кучларига бўлган ишончини қозониш, жангариларни молиялашнинг асосий манбаи бўлмиш наркотиклар ишлаб чиқариш ва етказиб беришга қарши курашиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш лозим.

Шунингдек, вазиятни барқарорлаштиришда кўп миллатли Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини хурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кам сонли миллатларнинг ўзига хос манфаатларини эътироф этиш ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда, давлат ва жамият қурилиши, фуқаролик институтларини шкллантириш борасида ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилишини таъминлаш, бунда Афғонистонда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий фаровонликка эришиш ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим кафолати эканини эътиборга олиш зарур.

Шу билан бирга, қўшни Покистон билан биргаликда чегара муаммоларини, аввало Вазиристон худудида, ҳал этиш ҳам Афғонистондаги вазиятнинг ижобий томонга ўзгаришида муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ғоялар билан бир қаторда Юрбошимиз томонидан Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш бўйича ягона халқаро амалий механизм бўлиб келган, 1997-2001 йилларда БМТ раҳнамолигида самарали фаолият кўрсатган, Афғонистон билан қўшни давлатлар, АҚШ ва Россиянинг ваколатли вакилларидан ташкил топган «6+2» мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, “6+3” гуруҳига айлантириш зарурлиги ҳақидаги ғоят қимматли амалий таклиф илгари сурилганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Бундай механизмнинг қайта тикланиши барча манфаатдор томонлар иштирокида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Ўзбекистон дин соҳасидаги жараёнларни тартибга солиш, диний муносабатларда содир бўлаётган ўзгаришларнинг ижобий йўсинда кечишини таъминлаш, экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олиш учун ўзининг ички сиёсатида ҳам тегишли чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда 1998 йил 1 майда янги таҳрирда қабул қилинган «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конунда мазкур йўналишдаги фаолиятнинг ҳуқуқий асослари мужассам этилган.

Республикамиз экстремизм ва терроризм билан бирга уни молиялаштириш билан узвий боғлиқ бўлган наркобизнес ва наркотрафикка қарши қурашда ҳам қатъий сиёsat олиб бормоқда. 1999 йилда «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, 2000 йилда «Терроризмга қарши қураш тўғрисида»ги ва 2006 йилнинг 1 январидан амалга киритилган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши қурашиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилингани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз диний экстремизм ва терроризмга қарши тизимли ва тадрижий қураш олиб бормоқда. Бу қураш давлатимиз суверенитети, хавфсизлиги, барқарорлиги ва конституциявий тузумини сақлаш, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун хизмат қиласди.

Республикамиз терроризмга қарши қаратилган кўплаб халқаро шартномаларни ратификация қилиб, улардаги мажбуриятларини изчил бажариб келмоқда. Шу билан бирга, бу масалаларда ўзининг ташаббусларини илгари суроётганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Маълумки, БМТнинг терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши қурашга қаратилган 13 та ҳужжати (11 та Конвенция ва 2 та протокол) мавжуд. Ҳозирда Ўзбекистон 12 та ана шундай халқаро шартномаларни ратификация қилган.

Улар қаторида 1971 йилдаги фуқаро авиациясининг хавфсизлигига таҳдид соладиган ноқонуний актларга қарши кураш; 1973 йилдаги халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан, дипломатик агентларга қарши жиноятлар учун жазолаш ва уларни бартараф қилиш; 1979 йилдаги гаровга олиш ҳаракатларига қарши кураш; 1980 йилдаги ядервий материалларнинг ҳимояси; 1988 йилдаги денгиз кемалари ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган ноқонуний актларга қарши кураш; 1997 йилдаги бомбавий терроризмга қарши кураш; 1999 йилдаги терроризмни молиялаштиришга қарши кураш халқаро конвенциялари борлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда БМТ томонидан «Ядервий терроризм хуружларига қарши кураш тўғрисида»ги халқаро конвенция ва «Терроризмга қарши кураш бўйича ялпи концепция» лойиҳалари тайёрланаётгани Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш борасидаги ташабbusларига ҳамоҳангdir.

Ўзбекистон Европа Кенгаши доирасида ҳам терроризмга қарши курашга қаратилган 7 халқаро шартномани имзолаган. Уларнинг ичida 1977 йилдаги терроризмнинг олдини олиш; 1978 йилдаги шахсларнинг ўқотар қуролларни сотиб олиш ва уларнинг сақланишини назорат қилиш; 1983 йилдаги зўравонлик билан амалга оширилган жиноятлар оқибатида жабрланганларга компенсациялар бериш тўғрисидаги Европа Конвенциялари ҳамда 1957 йилдаги экстрадикция тўғрисидаги Европа Конвенцияси 1975 ва 1978 йилдаги қўшимча протоколлари ва 1959 йилдаги жиноий ишлар бўйича ўзаро хукуқий ёрдам тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 1978 йилдаги қўшимча протоколи билан имзоланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Қайд этилган конвенция ва протоколларда мустаҳкамлаб қўйилган қоидалар республикамиизда қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа хукуқий-меъёрий хужжатларда ҳам изчил ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалаларида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлиги

ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллигига эришганларидан сўнг хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш уларнинг ҳар бири учун бирламчи масалага айланди. Минтақа аҳолисининг қарийб 45 фоизи яшайдиган Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг йирик республикадир. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўрта қисмида жойлашган ва унинг минтақа давлатларининг ҳар бири билан умумий чегараси бор. Республикализнинг жаҳон геосиёсий тизимидағи ўрни ва геостратегик салоҳияти унинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги мавқенининг ўзига хослигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон диний экстремизм, халқаро терроризм, наркобизнес каби хавфларга қарши курашга Марказий Осиё давлатлари томонидан жиддий эътибор қаратилишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, Афғонистон ва Тожикистондаги ўта мураккаб вазият минтақа хавфсизлиги учун жиддий таҳдид эканидан келиб чиқиб, Ўзбекистон раҳбарияти уларни ҳал қилишда иштирок этишга алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда ушбу мамлакатларда у ёки бу даражада барқарорликка эришилган экан, бунда Ўзбекистоннинг салмоқли ижобий ҳиссаси борлигини таъкидлаш зарур.

2002 йилнинг октябрь ойида БМТ ва ЕХХТ билан ҳамкорликда «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: наркотик моддаларнинг гайриқонуний айланиши, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда ҳамкорлик» мавзууда Тошкентда ўтказилган халқаро конференция ҳам бу йўналишдаги ишлар кўламидан далолат беради. 70 та мамлакат ва 40 та халқаро ташкилотдан эксперталар иштирок этган мазкур анжуман халқаро терроризмга қарши кураш стратегиясига умумий ёндашувлар борасида амалий таклифлар тайёрлади. Бундан сўнг ҳам Ўзбекистонда ушбу муаммоларга бағишиланган кўплаб халқаро сиёсий ва илмий-амалий анжуманлар ташкил қилинди.

Уларнинг натижалари экстремизм ва терроризмга қарши курашни минтақа ва жаҳон миқёсида ривожлантириш ва мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда.

Марказий Осиё республикалари ҳамкорлиги доирасида ҳам Ўзбекистон диний экстремизм, халқаро терроризм ва наркобизнес хавфини ўзаро биргаликда бартараф этиш бўйича қатор ташаббуслар билан чиқиб, уни рўёбга чиқариб келмоқда. 2000 йил 21 апрелда Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикалари терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчилик ҳамда томонларнинг барқарорлигига хавф туғдирадиган бошқа таҳдидларга қарши курашда ҳамкорликда ҳаракат қилиш ҳақида шартнома имзолагани ҳам бунинг исботи бўла олади.

Айни пайтда, Ўзбекистон ва Туркманистон Президентлари томонидан имзоланган бир қатор шартномаларда ҳам Марказий Осиё минтақасида терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик ҳам назарда тутилганини қайд этиш зарур.

Оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик масаласи нафақат ташқи сиёсатимизнинг муаммоси, бу айни вақтда, ички ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз, миллий мустақиллигимиз ва хавфсизлигимиз учун муҳим муаммодир. Чунки минтақамизга туташ худудларда муайян экстремистик кучлар оммавий қирғин воситаларига эришишга интилиб келмоқда. Бундай мақсадга эришиладиган бўлса, унинг оқибатлари қандай бўлиши мумкинлигини 2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШ да содир бўлган воқеалар мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳатто оддий қурол билан террорчилар қанчалик ёвузлик ва ваҳшийликлар содир этаётганини кўриб, улар қўлида оммавий қирғин қуроли бўлса бу қандай оғир оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш мумкин.

Ядро қуроллари жаҳон миқёсида тарқалмаслигини Инсониятни ядро фалокатидан сақлаб қолишга хизмат қилувчи омил сифатида қараганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1993 йилнинг 28 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маъruzасида

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш борасидаги ташаббусни илгари сурган эди. Диний экстремистлар ва халқаро террорчи қучлар оммавий қирғин қуролларига эга бўлишга интилаётган ҳозирги даврда ядро қуроли яратилиши учун зарур бўлган материаллар тарқалмаслигига қаратилган ушбу ҳаракат БМТ ва жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1997 йилнинг 9 декабрида бўлиб ўтган 52-сессиясида «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш» тўғрисидаги резолюция қабул қилинди.

2006 йили Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ҳақидаги шартнома минтақа давлатлари томонидан имзоланди ва бу борадаги Ўзбекистон Республикасининг ташаббуслари амалга ошди. Марказий Осиё жаҳонда бешинчи ядро қуролидан холи минтақага айланди.

Қайд этилган мисоллар, диний экстремизм, халқаро терроризм, наркобизнес, уюшган жиноятчиликнинг глобал, минтақавий ва миллий хавфсизликка таҳдид эканини чуқур англаган ҳолда илгари сураётган ташаббуслари ва амалий фаолияти Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим бўғини эканидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашдаги иштироки минтақавий ташкилотлардаги фаолиятида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ), Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти (ЕИҲТ), Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (КҲШТ), Ислом конференцияси ташкилоти (ИҚТ) каби бир қатор минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган шартномаларни бажаришда фаол қатнашиб келмоқда. Зоро, Ўзбекистон Республикасининг ушбу шартномаларда қатнашиши унинг ички ва ташқи сиёсатининг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон МДҲдаги аксилтеррор маркази ишида ҳам фаол қатнашмоқда. ШХТ доирасидаги Аксилтеррор марказининг Тошкент шаҳрида жойлаштирилишини эса республикамизнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашдаги фаоллигининг эътирофи сифатида қараш мумкин.

2004 йил 17–18 октябрда Душанбеда бўлиб ўтган анжумандада Ўзбекистон Президенти ташабbusи билан экстремистик ва террорчи ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари ва аъзоларининг рўйхатини тузиш бўйича келишиб олинди.

Диний экстремизм ва халқаро терроризм глобаллашув жараёнида халқаро наркобизнес каби жаҳон миқёсида энг хавфли фаолият турларидан бири билан узвий боғланиб кетмоқда. Бугунги кунда наркомафия наркотикларни ишлаб чиқариш, наркографик ва наркоманияни ташкил қилиш усуслари орқали наркобизнесни ривожлантириш билан шуғулланмоқда.

Наркомафия террорчи ва экстремистик ташкилотлар билан ўз ёвуз мақсадларини амалга ошириш учун халқаро миқёсда ҳамкорлик қилаётганини инобатга олсак, бу, давлатларнинг сиёсий тизимига ва миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид эканини қўрамиз. Жаҳон миқёсида энг катта наркобизнес ўчоғи мамлакатимизга қўшни Афғонистон ҳудудида эканини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти билан биргалиқда бу глобал хавфга қарши қатъий кураш олиб бормоқда. Давлатимиз минтақавий миқёсда ва ички сиёсати доирасида ҳам бу иллат билан муросасиз курашмоқда.

Ўзбекистоннинг юқорида қайд этиб ўтилган минтақавий ташкилотлар ишидаги фаол иштироки, ташабbusлари ва таклифлари глобал хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни муҳим эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, ўта шиддатли ва мураккаб бир даврда яшамоқдамиз. Глобаллашув номини олган ушбу феномен мутлақо янгича маъно-мазмундаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий маконнинг шаклланишини ҳамда мавжуд миллий ва минтақавий

муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланниб боришини ифода этмоқда.

Глобаллашув таъсирида дунё тобора бир бутун ва яхлит бўлиб бормоқда. Мамлакатлар ва халқлар тараққиёти бир-бирини тақозо қилувчи ҳодисага айланмоқда. Давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, қўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умумисоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши тараққиёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашувига олиб келмоқда.

Шу билан бирга, эзгулик ва ёвузлик ўртасида азалдан давом этиб келаётган кураш ҳам глобаллашув таъсирида ўзига хос шаклу шамойил касб этаётганини таъкидлаш зарур. Президентимиз сўзлари билан айтганда, бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тифиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ха, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Айни пайтда, инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин заарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим.

Глобаллашув ва унинг салбий оқибатлари ҳақида гап кетар экан, диний экстремизм ва терроризмдек хатарли, инсон ва жамиятнинг тинч ва осуда ҳаёти ҳамда тараққиётига таҳдид туғдираётган ҳодисалар ҳам умумисоний миқёс ва кўлам касб этганини таъкидлаш зарур.

Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари мамлакатлар ва халқларнинг фақат ҳамжижат ҳаракати натижасида чукурлашиб бориши, уларнинг ҳар бирининг тараққиётига хизмат қилиши мумкин бўлганидек, унинг салбий оқибатларини,

шу жумладан, халқаро экстремизм ва терроризмдек бало-қазоларнинг олдини ҳам кучларни бирлаштирган, яқдил ҳаракат қилган ҳолда бартараф этиш мумкин. Бунда глобал миқёсдаги маънавий-маърифий ҳамкорликнинг ўрни ва ахамияти биқиёсdir.

Тизимли ва тадрижий ташкил этилган ғоявий – тарбиявий ва маънавий – маърифий ишлар диний онг радикаллашувининг олдини олиш ҳамда фуқароларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашнинг асосий воситаларидан бири ҳамда экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ҳаётий ва таъсиран омилларидан бири саналади.

Кўпчилик мамлакатларда мафкуравий ва маънавий-маърифий тарбия тизими дунёвий моҳиятга эга таълим-тарбия муассасаларида ёшларга дин ҳақида илмий асосланган билимлар бериш ва диний муассасалар имкониятларидан диний-маънавий тарбиянинг муҳим ўчоги сифатида фойдаланишдек жиҳатларни қамраб олади. Уларни рўёбга чиқаришда турли, шу жумладан, анчагина қисми халқаро ташкилотлар мақомига эга бўлган ноҳукумат, нотижорат ташкилотлар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Диний-сиёсий экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг охирги йиллардаги халқаро тажрибасида динлараро бағрикенглик ғояси тарғиботи алоҳида ўрин тутмоқда. Бугун уни тарғиб қилаётган ўнлаб ташкилотлар дунё бўйлаб фаолият юргизмоқда. Уларнинг орасида ЮНЕСКО каби глобал миқёсда амал қилаётган нуфузли халқаро муассасалар ҳам бор.

Бу йўналишда олиб борилаётган ишларда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий-хуқуқий заминини мустаҳкамлаш билан бирга, унинг маънавий-маърифий асосларини кучайтириш жаҳон ҳамжамияти олдидаги энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, диний экстремистик ташкилотларга муносабат, улар фаолиятини баҳолашда икки ёқлама стандартлардан воз кечиши, бундай тафаккур ва ёндашув тарзига барҳам бериш, айниқса, ўсиб келаётган авлод

онгода хусусий манфаатлар ва мақсадлардан қатъи назар, инсоннинг эртанги куни ва жамият истиқболи учун дахлдорлик туйғусини тарбиялаш ва бу борадаги ғоявий-тарбий ишларни тизимли ташкил этиш глобал ҳаётий-амалий ахамият касб этаётганини ҳам таъкидлаш зарур.

## **2.2. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда**

### **Афғонистон омили**

Бугунги кунда Афғонистондаги ички сиёсий вазият жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро муносабатларига, миллий давлатчиликнинг шаклланишига, давлат ва Афғонистондаги турли ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий-сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатлари жараёнига ёки умуман давлат бошқарувига алоҳида таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички омиллар асосида шаклланмоқда. Ташқи омиллар деганда геосиёсий, ҳарбий-стратегик, сиёсий ва иқтисодий омиллар тушунилади, Афғонистонда янги давлатчиликнинг шаклланиши ёки вазиятнинг яхшиланишига таъсир кўрсатувчи ички омиллар сифатида эса ғоявий-сиёсий, этно-худудий, диний (ислам омили), ҳарбий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва ш.к. кўрсатиш мумкин.

Жаҳондаги етакчи мамлакатларининг Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий манфаатлари геосиёсий омил сифатида чиқади. Бу борада Афғонистонга алоҳида ўрин ажратилган ёки Афғонистон гўё минтақанинг калити сифатида қаралади. Афғонистоннинг аҳамиятини мамлакатнинг геосиёсий жойлашганлиги билан, яъни сўнги 150 йил мобайнида етакчи мамлакатлар манфаатлари тўқнашганлиги билан ифодалаш мумкин. XIX асрнинг иккинчи ярмида «Катта ўйин» («Great game») номи билан бошланган ва XX асрда ҳам давом этган мазкур геосиёсий жараёнлар XXI аср бошида мутлақо бошқа мақсад ва вазифалар, ўйин иштирокчиларининг ҳолати ўзгача бўлган «Янги катта ўйин» («New Great game») номи билан давом эттирилди.

Афғонистонда ички сиёсий вазиятга таъсир кўрсатувчи ички омиллар сирасида ғоявий-сиёсий ва этно-худудий омиллар ўрни ва роли ўта муҳим саналади.

Бутун Афғонистонни бирлаштира олувчи ғоянинг мавжуд эмаслиги, сиёсий тизимнинг тарқоқлиги, афғон жамиятида демократик тамойил ва қадриятларни жорий этиш масалалари, аввалдан, кишини ўйлантириб келган ва бу ғоявий-сиёсий омилнинг ўзига хослиги билан ифодаланади.

«Толибон» ҳаракати режимининг ағдарилиши узоқ йиллар мобайнида йиғилиб қолган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва миллий-этник муаммолар ечили деган маънени англатмайди. Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун давлатчилик тизими, иқтисодиёт инфратузилмасини, яъни бутун мамлакатни тиклаш жараёнларини амалга ошириш керак бўлади. Шундагина мамлакат тинч ҳаётга қайтади. Бироқ, вазият мураккаб – сал кам ўттиз йиллик уруш натижасида мамлакат деярли тўлиқлигича барбод бўлди ва Афғонистонни тиклаш дастурларини ўз кучи билан амалга ошира олмайди. Бу борада ўзларига катта мажбуриятлар олган жаҳон ҳамжамиятининг, жумладан, қатор халқаро ташкилотлар ва донор мамлакатларнинг фаол иштирок этишлари керак бўлади.

Сўнги ўн йилликларда Ўзбекистон Республикаси Афғонистондан бевосита таҳдид юзага келиб, мамлакат жанубини мустаҳкамлашга қаратилган фаолият олиб борилди. Бундай фаолиятлардан бири мамлакат ташқи сиёсати устивор йўналишларидан бири бўлган афғон муаммосини ҳал этиш бўлиб қолди. хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида афғон муаммосини зудлик билан ҳал этиш лозимлигини таъкидлайди.

1996 йил декабрида ЕХХГа аъзо-давлатлар раҳбарларининг Лиссабон шаҳридаги учрашувида Афғонистонга қурол-яроғ киритишга эмбарго қўйиш ҳақидаги Ўзбекистон ташаббусини Европадаги барча ташкилотлар қўллаб-куватладилар.

БМТ Бош Котибининг Афғонистон бўйича маҳсус вакили Л.Брахимининг 1997 йил 16-17 августида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Афғонистон можаросини бартараф этиш бўйича мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Мазкур мулоқот гуруҳи келгусида «6+2» гуруҳи сифатида намоён бўлди. Бу гуруҳга Афғонистонга туташ 6 мамлакат - Эрон, ХХР, Покистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон, ҳамда Россия ва АҚШ. Мазкур мамлакатлар Афғонистонга нисбатан ёндошувларидаги кескин тафовутларга қарамай «6+2»

гурухига аъзо давлатлар БМТ шафेълиги остида афғон можаросини бартараф этиш услуги борасида ягона сиёсат ишлаб чиқишга муваффак бўлдилар. Бунинг натижасида 1999 йил июл ойида «6+2» гурухига аъзо давлатларнинг Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси ўтказилди ва унда «Афғонистонда тинчликни ўрнатишнинг асосий тамойиллари ҳақида Тошкент декларацияси» қабул қилинди.

Жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистондан келаётган халқаро терроризм хавфига қаратиш мақсадида 1999 йил ноябр ойида Истанбул шахрида жаҳоннинг 54 мамлакатидан келган вакиллари иштирокида ўтган ЕХХТнинг навбатдаги йигилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов БМТ доирасида Терроризмга қарши курашиш бўйича халқаро марказ тузиш ташаббусини илгари сурди.

2000 йил сентябр ойида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг «Мингийиллик саммити»да Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов БМТ, БМТ Хавфсизлик Кенгashi, жаҳон ҳамжамиятияга мурожаат қилиб, Афғонистонда давом этиб келаётган уруш нафақат Марказий Осиё давлатлари учун, балки бутун дунё учун таҳдид эканлигини алоҳида таъкидлади<sup>40</sup>. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ушбу муаммони бартараф этиш учун муҳим ва конкрет ташаббусларни, хусусан минтақада кечаётган қуролли можароларга қурол-яроғ киритиш борасида эмбарго эълон қилиш зарурлигини илгари сурди.

Бироқ, шунча юқори даражаларда билдирилган фикрларга жаҳон ҳамжамияти, афсуски, етарли даражада эътибор қаратгани йўқ. Фақат 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан сўнг халқаро вазиятни ҳамда Афғонистондан келувчи глобал таҳдидни қайта баҳолаш зарурлиги олдинга чиқди. 2001 йил 7 октябрда АҚШ ва унинг иттифоқчилари Афғонистонда аксилтеррористик операцияни бошладилар.

---

<sup>40</sup> Каримов И.А. За процветание Родины - каждый из нас в ответе. Собрание трудов. Том-9. - Т.: Ўзбекистон, 2001. – С. 107

Ўзбекистон биринчилар қаторида Афғонистонда паноҳ топган ва «Толибон» ҳаракати паноҳида бўлган халқаро террористларга қарши аксилтеррористик операцияда иштирок этишини маълум қилди. 2001 йил 17 сентябрида Ўзбекистон ўз ҳудудини афғон халқига инсонпарварлик юкларини олиб ўтиш ва қутқарув амалиётларини амалга ошириш учун ўз ҳудудидан фойдаланиш мумкинлигини маълум қилди. Бундан ташқари, 2003 йил ноябрида Ўзбекистон инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мақсадида Афғонистонга ўтувчи Дўстлик кўпригини қайта очди.

Ўзбекистон қўшни мамлакатда марказлашган давлатнинг юзага келишидан манфаатдор, зеро, бу давлат даражасида икки томонлама муносабатларни ўрнатиш имкониятини беради. Муайян даврда икки томонлама муносабатлар асосини яратувчи ва Афғонистон инфратузилмасини тиклашга қаратилган турли инвестициявий лойиҳаларда иштирок этиш имконияти туғилди.

Мозори-Шарифда Бош Консуллик, 2003 йил декабрида эса Кобул шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси очилди.

Ўзбек мутахасислари трансафон автомобил йўлининг тикланишида иштирок этиб, улар иштирокида Мозори-Шариф – Кобул йўналишида ўндан ортиқ автомобил кўприклари тикланди. Афғонистонда эски транспорт коммуникацияларининг тикланиши ва янгиларининг қурилиши ушбу мамлакатга минтақавий иқтисодий интеграцияни таъминлаб бериши ва савдо-сотикининг ортишига кўмак бериб, инсонпарварлик ёрдамларини етказиб беришда қулайликлар туғдиради, барча соҳаларда тиклаш ишлари жадаллашишига олиб келади.

АҚШ ва Марказий Осиёдаги беш давлат - Қозоқистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари ўртасида Савдо ва инвестиция соҳасида муносабатларни ривожлантириш ҳақидаги битм 2004 йил 1 июн куни Вашингтонда имзоланди. Битмда халқаро савдо ва хорижий инвестициялар жалб этишини ошириш, ҳамда минтақавий барқарорлик ва

хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмак беришда минтақа давлатлари ва Афғонистон ўртасида савдо муносабатларини ўрнатиш чоралари кўрсатиб берилади.

2003 йилда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида савдо айланмаси 90 млн. АҚШ долл.ни ташкил этиб, 2001 йил кўрсаткичидан 8 маротаба ортиб кетди. 2004 йилда икки мамлакат ўртасида савдо айланмаси 130,1 млн. АҚШ долл.ни ташкил қилди. Бунда Ўзбекистон экспорт ҳажми 126,2 млн. АҚШ долл.дан ортиб кетди. Ўзбекистоннинг Афғонистонга экспорти асосини электроэнергия, нефт маҳсулотлари, қора металла рва улардан тайёрланган маҳсулотлар, автойўл техникаси, қурилиш материаллари, мебел, буғдой, туз, алкогиз ичимликлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этади. Импорт эса, ўз навбатида, мевалар, ёнғоқлар, зайдундан иборат.

Ўзбекистон минерал ресурсларни қайта ишлаш, электроэнергетика, ирригация ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ инвестициявий лойиҳаларда иштирок этишдан манфаатдор.

Ўзбекистон Афғонистон шарқида жойлашган Айнак туманидаги мис конини ўзлаштириш бўйича мис консорциумига қўшилишга тайёр эканлигини билдириди. Шунингдек, мамлакатимиз Афғонистон шимолидаги нефть ва газ захираларини қазиб олишда ҳам иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Афғонистоннинг шимолий ва марказий районларида электростанция ва электротизимларни қуриш бўйича тендерда иштирок этмоқда. Ўзбекистон ҳукумати электр узаткич тармоқларини, хусусан Хайратондан Пули Хумригача, қуришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Афғонистон ирригация тизими ва иншоотларини қайта тиклаш ишларида иштирок этиш имкониятига эга. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг илмий ва амалий тажрибаси мазкур соҳада тикланиш ва ривожлантириш жараёнларида самарали фойдаланилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда иштирок этар экан, Ўзбекистон наркотик воситалар етиштириш билан машғул аксарият аҳолини иш билан

таъминлашда ҳамда узоқ йиллик уруш мобайнида бузилган қишлоқ хўжалиги тизимининг тикланишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбек-афғон иккитомонлама муносабатлар ривожланиши истиқболлари келажакда йирик афғон шаҳарларини, биринчи навбатда, Афғонистоннинг шимолий ва ғарбий районларини ўзбек товарлари билан бойитиши мумкин бўлган божхона режимининг енгиллаштирилишини ҳам назарда тутиши лозим. Шунингдек, истиқболда Эрон, Покистон, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни яхшилаш имконини берувчи транспорт инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда Ўзбекистоннинг иштирокини кенгайтириш даркор.

Умуман олганда, афғон можароси ва бошқа айрим масалаларнинг ҳал этилиши нафақат ушбу жафокаш мамлакат халқлари ҳётининг яхшиланиши, балки бутун Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги, барқарорлиги ва ривожланишининг асосий омили ҳисобланади.

## **2.3. Марказий Осиёда экологик муаммоларни бартараф этиш масалалари**

Экологик сиёсат давлат микёсидаги даражада амалга оширилса атроф-мухитни яхшилашнинг белгиланган чора-тадбирлари самарали булади. Узбекистонда бу масалага мустакилликка эришилгандан кейин алоҳида эътибор берила бошланди. Президент И.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида экология муаммолари бошка давлат ахамиятига эга булган иктисадий, ижтимоий, ташки сиёсат таркибида атрофлича тахлил килиниб, амалга ошириладиган вазифалар аник-равshan белгилаб берилган. Асарда республикада якин келажақда табиатдан фойдаланиш ва уни мухофаза килишнинг тактика ва стратегияси асосланган.

Ўзбекистон Республикаси экологик хавфсизлиги сиёсати Конституция, қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси, республиканинг халқаро конвенция ва битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда атроф-мухит, барқарор ривожланиш тамойиллари, шунингдек, етакчи давлатлар қонунчилик тажрибаларидан келиб чиқиб олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсати натижаларидан бири сифатида – инсон саломатлиги учун хавф-хатар даражаси юкори бўлган ҳудудларда атроф-мухит сифатини яхшилаш ва экосистеманинг барқарор ҳолатга келганини мисол сифатида келтириш мумкин.

Узбекистонда экологик сиёсат юкорида айтиб утилганидек бир катор кабул килинган конунлар, «Ер тугрисида»ги (20 июн 1990 й.), «Казилма бойликлар тугрисида»ги (22 сентябр 1994 й.), «Сув ва сувдан фойдаланиш» (6 май 1993 й.), «Усимлик оламини мухофаза килиш ва фойдаланиш» (26 декабр 1997' й.), «Хайвонот оламини мухофаза килиш ва фойдаланиш» (26 декабр 1997 й.), «Алоҳида мухофаза килинадиган ҳудудлар тугрисидаги (7 май 1993 й.), «Атмосфера ҳавосини мухофаза килиш» .(27 декабр 1996 й.), «Давлат

кадастри тугрисида»ги (39 август 2000 й.), «Экологик экспертиза тугрисида»ги (15 декабр 2000 й.) конунлар<sup>41</sup>, шунингдек, Вазирлар Махкамаси кабул килган куплаб карорлар асосида амалга оширилади.

Марказий Осиёдаги Экологик хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар:

- \*Орол атрофи муаммоси
- \*Сув ресурсларидан фойдаланишнинг худудий муаммолари
- \* атроф-муҳитнинг чегара орқали ифлосланиши
- \*Чўлга айланиш
- \*Юқумли ва бошқа ўта хавфли касалликларнинг тарқалиши

Марказий Осиё минтақасидаги энг жиддий ва ўз ечимини кутаётган экологик муаммолардан бири қўшни давлатлар орасида сувдан оқилона фойдаланиш муаммоси ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ меъёр ва принципларига кўра, сув оқиб ўтадиган мамлакатлар ўз худудлари доирасида чегара орқали оқиб ўтадиган сувдан адолатли ва оқилона фойдаланишлари лозим. Жумладан, халқаро аҳамиятга эга бўлган, икки ва ундан ортиқ давлат худудидан оқиб ўтадиган сув оқимидан оқилона фойдаланилгандагина, ундан оптималь фойдаланиш мақсадига ва шу билан боғлиқ фойдаларни уни муносиб тарзда ҳимоя қилингани ҳолда олиш мақсадида фойдаланилди ва ўзлаштирилади. Сув оқиб ўтадиган давлатлар халқаро сув ҳавзасининг ўзлаштирилиши, ундан фойдаланиш, муҳофаза қилишга адолатли тарзда ва оқилона ёндошадилар. Шу тарзда давлатлар сувдан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш билан бирга, уни муҳофаза қилиш ва ўзлаштиришдаги ҳамкорлик мажбуриятини ҳам оладилар.

Мазкур ҳолатда оптималь (адолатли) фойдаланиш, жами эҳтиёжларнинг максимал даражада қондирилиши, томонларнинг қондирилмаган эҳтиёжлари ва етказилган зарар минимум даражада бўлишини англатади. Халқаро ҳамкорликнинг бундай тамойиллари халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида ўз аксини топган (БМТ Низоми, БМТнинг Атроф-муҳит муаммолари тўғрисидаги

---

<sup>41</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами.

Стокгольм декларацияси, БМТнинг атроф-мухит ва ривожланиш тўғрисидаги Конференцияси (Рио-де-Жанейро) – XXI аср учун кун тартиби ва бошқалар).

1991 йилдан кейин ишлаб чиқилган юридик хужжатлар бизнинг минтақамизда янги шароитларда вужудга келган муаммоларнинг ҳаммасини қамраб олмайди. Халқаро сувлар, худди ҳаво океани каби бошқа табиий ресурслардан шуниси билан ажралиб турадики, шу дарё ҳавзасида ҳаёт кечирувчи барча халқларга бирдек тегишли бўлади. Бундан келиб чиқадики, минтақада яшовчи халқларнинг чегаралароро оқиб ўтадиган сув ҳавзасидан фойдаланиш ҳуқуки ўз ҳудудларида табиий ресурслардан фойдаланишда чегарадош давлатларга заарар етмайдиган оптимал йўлини топиш лозим. Сирдарё сув ҳавзаси давлатларига юборилган халқаро битим лойиҳасида бундай ёндашув назарда тутилган. Мазкур лойиҳа нусҳалари чегарадош давлатларга юборилди ва ҳозирда кўриб чиқилиб, муҳокама қилинмоқда. Амударё дарёси бассейни учун ҳам шу каби битим тайёрлаш керак бўлади.

Бошқа тарафдан, минтақадаги сунинг камчиллиги бизнинг республикамизда уни янада оқилона фойдаланишни ишлатишни талаб қиласди. Хусусан, бунга сувнинг исроф бўлишини минималлаштириш учун сугориш тизимининг режим ва параметрлари билан суғориш техникаси орасидаги боғланишни мустаҳкамлаш каби сувни асраш ва уни тежаш тадбирлари киради.

Минтақадаги аҳолининг ҳавфсизлигига айрим тўғонларнинг техник ҳолати ҳам ҳавф солиши мумкин. Булар сирасига таркибида 16,6 куб. км. сув жамланган Сарез кўли табиий тұғонининг ҳолатини киритиш мумкин.

Юқорида баён этилганлар асосида мамлакатнинг сув таъминоти қисмидаги миллий ҳавфсизликнинг асосий таҳдидларни олдиндан айтиб бериш мумкин. Бунда сув ресурслари фақатгина аҳоли, саноат ва суғориладиган ерлар учун сув таъминоти манбаи бўлиб қолмай, балки ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазиятнинг маълум бир даражасини қўллаб-қувватлашнинг бирламчи омили ҳам демакдир.

Марказий Осиё минтақасида экологик муаммоларни бартараф этишда қуидаги вазифаларни ҳал қилиш керак бўлади:

1) Орол денгизи сув-энергетик ресурсларини МКВКга халқаро ташкилот мақомини бериш йўли орқали уни ҳамкорликда самарали бошқариш тизимини яратиш;

2) сувни тежайдиган технологиялар, суғоришнинг янги воситаларини қўллаш, минтақа давлатларида, айниқса, биргаликда фойдаланиладиган объектларда ирригация тизимларини такомиллаштиришни амалга ошириш, сув ҳавзаси иш тартибини тартибга солиш;

3) минтақадаги чегаралараро сув ресурсларини бошқариш ва ундан самарали, оқилона фойдаланиш юзасидан хуқуқий хужжатлар (давлатлараро Битимлар) пакетини ишлаб чиқиши охирига етказиш, келишилган ҳолда имзолаш бўйича ишларни фаол давом эттириш, бунда республика манфаатлари ва мавжуд муаммолар ҳисобга олиниши лозим;

4) чегаралараро сув ресурсларини мухофаза қилиш, чегаралараро сувларнинг ифлосланишига йўл куймаслик ва олдини олиш, давлатлараро дастурини, сувлар сифатини назорат қилиш тартибларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш, минтақадаги экологик барқарорликни таъминлаш ва бошқалар.

1993 йил март ойида Қизил Ўрдада Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Россия давлат делегацияси иштирокида анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақаси экологиясини соғломлаштириш ва ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминлаш соҳасида биргаликда қилинадиган ҳаракатлар тўғрисида битим имзоланди. Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи Давлатлараро кенгаш тузилди. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсис этилди.

1993 йил августда Нукусда Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи Давлатлараро кенгаш ва Оролни қутқариш халқаро

жамғармасининг қўшма мажлиси бўлди. 1994 йил 11 январда Нукусда Марказий Осиё мамлакатлари ошлиқларининг Россия Федерацияси давлат делегацияси Юрий Яковлев, РФ Бош вазири ўринбосари) иштирокида конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Орол денгизи ҳавзасидаги ҳозирги аҳвол билан боғлиқ кўпгина масалалар, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси маблағлари қандай тўпланаётгани муҳокама қилинди, фаолияти маъқулланди. Экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин 3-5 йил ичida бажарилиши лозим бўлган муайян вазифалар белгиланди. Орол денгизини қутқариш бўйича Давлатлараро кенгаш Низоми тасдиқланди ҳамда унинг ижроия органининг раҳбари тайинланди. Бу масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

## **2.4. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг кўп томонлама ҳамкорлиги**

Марказий Осиё давлатларининг геостратегик мавқеи ва табиий ресурсларга бойлиги бошқа давлатларнинг қизиқишини юзага келтиради. Бу ҳақида А.Тажубаев: «Бугунги кунда Марказий Осиё глобал ва регионал таъсирга эга давлатларнинг, халқаро маънавий, иқтисодий структураларнинг кураш майдонига айланиб бормоқда. Бу минтақанинг нефть, газ ва бошқа минераль хом-ашё ресурсларига бойлиги билан боғлиқ», - деган фикрни билдиради<sup>42</sup>.

Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллигини қўлга киритган пайтдан бери кўп ютуқларга эришдилар, шу жумладан мустақил ташқи сиёсатни шакллантиришга муваффақ бўлдиларки, бу улар жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун имконият яратди. Минтақа давлатлари ўз миллий манфаатларини ҳисобга олиб, шунингдек, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун, икки тарафлама муносабатларни ривожлантириш билан бир қаторда халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик орқали хавфсизликка эришишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу муносабат билан, Марказий Осиёдаги янги геосиёсий вазият шароитларида халқаро ва минтақавий тузилмалар билан минтақа мамлакатлари ҳамкорлигининг чукурлашуви унда янги хавфсизлик муҳити шаклланиши учун алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ташкилотларда иштирок этиш уларнинг аъзолари учун бир томондан муайян мажбуриятларни назарда тутса, бошқа томондан уларга халқаро муносабатлар тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш учун имконият яратади.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, дунёда шакланаётган янги тартибни, шунингдек, минтақа давлатларининг иқтисодий ва сиёсий ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган хавфсизликка ноанъанавий таҳдидларни ҳисобга олганда, Марказий Осиё давлатларининг турли

<sup>42</sup> Тожубаев А. Россия и Центральная Азия // Международная жизнь. 1999. №3. – С. 101.

институционал механизмлар билан фаол ўзаро ҳамкорлигининг аҳамияти сезиларли даражада ортади.

Бугунги кунда минтақада БМТ, ШХТ, КХШТ, НАТО, ЕХХТ каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолият олиб бормоқда.

Масалан, ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг асосий устувор вазифалари қаторига Евросиё маконида иқтисодиёт ва хавфсизлик борасидаги ҳамкорлик киради. КХШТ доирасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги вазифалар ҳал қилинади. НАТО доирасида Афғонистонда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги вазифалар минтақа давлатлари билан ҳамкорликда ҳал қилинади.

БМТнинг вазифаси жаҳон ҳамжамияти ваколатларини белгилаш, бирлаштириш ва амалга оширишдан иборат. У тартиб ва барқарорлик таянчи, халқаро тизим иштирокчилари давлатлар ҳамжамиятини сақлаш учун лозим даражадаги хулқ-атвор ҳукуқий меъёрлари ва ўзаро муносабатлар қоидалари юзасидан тил топишига кўмаклашувчи механизм сифатида зарурдир.

БМТ Марказий Осиёда, аввало, минтақа мамлакатлари халқаро муносабатларнинг мустақил субъектлари сифатида эътироф этилиши нуқтаи назаридан жуда муҳим рол ўйнайди, зеро, бу Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсати минтақавий даражада ҳам, халқаро даражада ҳам фаоллашуви учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Сўнгги ўн беш йил мобайнида БМТнинг бир қанча тузилмалари Марказий Осиё мамлакатларида минтақа давлатлари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши учун муҳим бўлган турли жабҳаларда ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Хусусан, БМТ минтақавий хавфсизликка жиддий таҳдид солган Тожикистондаги фуқаролар урушини тўхтатиш даврида муҳим рол ўйнади. Ўтган аср 90-йилларининг иккинчи ярмида Афғонистондаги можарони тартибга солиш жараёнида БМТнинг роли ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Бироқ жаҳонда янги тартиб вужудга келишига туртки берган воқеалар БМТнинг халқаро майдондаги, шу жумладан Марказий Осиёдаги фаолиятига

ҳам маълум даражада таъсир кўрсатмоқда. Бу омиллар БМТ ва унинг асосий органлари – Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеянинг жаҳондаги обрўси пасайишига олиб келди.

Марказий Осиё давлатлари иштирокидаги минтақавий тузилмалар орасида «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» ҳозирги вақтда энг истиқболли ва нисбатан самарали тузилмалардан бири ҳисобланади.

2001 йил ёзда Шанхай шаҳрида олти давлат – Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди ва унда янги халқаро минтақавий бирлашма – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилгани эълон қилинди. Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўтслик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, уларнинг ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, маърифий, энергетика, транспорт, экология ва бошқа соҳаларда самарали ҳамкорликни рағбатлантириш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ва таъминлаш ШХТнинг бош мақсадлари сифатида эътироф этилди.

ШХТ доирасида ҳамкорликни ривожлантириш турли жабҳаларни қамраб олади. Уларнинг иккитаси – хавфсизлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ва иқтисодий ҳамкорлик бугунги кунда айниқса муҳимдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ШХТнинг пайдо бўлиши кўп жиҳатдан Афғонистон ҳудудидан тарқалаётган таҳдидларга қарши курашда куч-ғайратни бирлаштириш зарурияти билан белгиланади. Бекарор Афғонистон билан чегарадошлиқ, хусусан наркотрафик, қурол савдоси, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жангариларининг Афғонистондаги лагерлари ўн йиллик мобайнида нафақат Ўзбекистонга, балки Марказий Осиё минтақасининг барча давлатларига хавф туғдириб келди.

Ўзбекистон ШХТга аъзо бўлиш тўғрисида қарор қабул қиласи, минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатимиз иқтисодий юксалиши, терроризмга қарши курашнинг самарадорлигини ошириш ва минтақада

интеграция жараёни ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш вазифаларини ўз олдига қўйди.

ШХТ ташкил топган кун – 2001 йил 15 июнда «Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси» имзоланди. Бу ҳужжатда терроризм, сепаратизм ва экстремизм тушунчаларига аниқ таъриф берилган, бу «уч ёвуз куч»га қарши курашишнинг муайян йўналишлари, шакллари ва принциплари кўрсатилган. Шундай қилиб, ШХТ доирасида хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилиш учун мустаҳкам ҳукуқий замин яратилди.

2001 йилдан 2004 йилгача бўлган даврда ШХТ ўз тузилмасини такомиллаштириш ва юридик база яратиш борасидаги ишларни давом эттириди. ШХТ Хартиясининг қабул қилиниши бу борада эришилган энг катта ютуқ бўлди. Мазкур ҳужжат ШХТ фаолиятининг асосий ҳужжатига айланди. Ташкилот қароргоҳи жойлашган Пекин шаҳрида ШХТ Котибияти тузилди. Шунга қарамай, мазкур ташкилот доирасида бирон-бир муайян вазифа ҳали ечишгани йўқ эди. Икки тарафлама алоқалар ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги барча сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатларни амалга оширишнинг асосий шакли бўлиб қолмоқда эди.

2004 йил 17 июнда бўлиб ўтган Тошкент саммитидан кейин ШХТда Ўзбекистон иштироки анча фаоллашди. Бу анжуман Ўзбекистон ва ШХТнинг бошқа аъзолари ўртасида ҳамкорликнинг ривожланишида муҳим босқич бўлди. Саммит жараёнида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, хусусан Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, унинг иқтисодий инфратузилмасини биргаликда тиклаш масалалари бўйича фикр алмашиш амалга оширилди. Тошкент саммити якунлари бўйича бир қатор муҳим норматив ҳужжатлар – ШХТга аъзо давлат бошлихларининг Тошкент декларацияси, ШХТ ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан ғайриқонуний муомалада бўлишга қарши ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек,

ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

Аксилтеррор йўналишидаги ҳамкорлик ШХТнинг тизим ҳосил қилувчи элементларидан бири ҳисобланади. ШХТ Декларациясига биноан, «терроризмни ижтимоий таянчдан маҳрум қилиш, шу жумладан қашшоқлик, ишсизлик, саводсизлик, ирқий, этник ва минтақавий белгиларга кўра камситиш ҳолларига барҳам бериш дунё миқёсидаги аксилтеррор курашининг муҳим йўналишига айланиши лозим. ШХТга аъзо давлатлар бир-бирининг терроризм, сепаратизм ва экстремизм кўринишларига барҳам бериш борасидаги саъи-ҳаракатларини, шунингдек, халқаро ҳамжамиятнинг террористик фаолиятни маблағ билан таъминлаш йўлларини беркитишга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-кувватлайдилар ва ўз худудларида терроризм тадбирлари тайёрланиши ва маблағ билан таъминланишига йўл қўймаслик борасидаги ўз ҳаракатларини кучайтирадилар ва террорчиларга бошпана беришни рад этадилар».

Хавфсизликка янги таҳдидларга қаршилик кўрсатиш мақсадида маҳсус орган - «Минтақавий аксилтеррор тузилма» ташкил этилди. Бу тузилманинг асосий вазифаси ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат.

Минтақавий аксилтеррор тузилма ШХТнинг ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи, шу жумладан ахборот алмашади ва ШХТнинг бошқа тузилмалари сўровига биноан тегишли материалларни тайёрлайди. Минтақавий аксилтеррор тузилма ишига унинг Кенгаши ва Ижроия қўмитаси раҳбарлик қиласи.

Терроризмга қарши кураш борасидаги ҳамкорлик ШХТ фаолият олиб бораётган барча йиллар мобайнида ривожланмоқда, бу жараёнда ташкилотга аъзо мамлакатларнинг барча ваколатли органлари иштирок этаётир.

Хусусан, 2006 йил март ойида Минтақавий аксилтеррор тузилма ҳомийлиги остида МДҲда энг йирик «Шарқ-аксилтеррор 2006» машқлари

үтказилди. Улар Ўзбекистонда бўлиб ўтди, уларда ШХТга аъзо мамлакатлар маҳсус бўлинмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва бошқа маъмурий идораларининг 300 га яқин ходими иштирок этди.

Келажакда Ўзбекистон ШХТ доирасида қўйидаги йўналишларда янада фаолроқ рол ўйнаши мумкин:

биринчи – хавфсизлик борасида ўзаро алоқаларни бундан буён ҳам кучайтириш. Мавжуд механизмларнинг имкониятларини мумкин қадар тўла ишга солиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, терроризм, сепаратизм ва экстремизмнинг барча кўринишларига қарши курашиш бўйича тегишли муайян тадбирларни мумкин қадар тезроқ амалга ошириш чораларини кўриш; гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ўқотар қурол билан гайриқонуний муомалада бўлишга, трансмиллий жиноий фаолиятнинг бошқа турларига, шунингдек, ноқонуний миграцияга қарши курашиш;

иккинчи – иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, бунда энергетика ва транспорт жабхаларида, барча иштирокчи мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши фойдасига эркин савдо зонасини яратишга урғу бериш.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ШХТдаги иштироки бугунги кунда хавфсизлик соҳасида ва мамлакатимиз мазкур ташкилотга аъзо давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилиши учун янги имкониятлар яратади. Хусусан, Россия ва Хитой каби давлатлар билан ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши Евросиё маконида алоқаларнинг янада кенгайишига ижобий таъсир кўрсатади. ШХТ доирасида иштирокчи мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятидан, уларнинг транспорт коммуникациялари ва инвестициялар соҳасидаги имкониятларидан фойдаланиш Ўзбекистонда ва бутун Марказий Осиё минтақасида ижобий акс этади.

Дунё миқёсида давом этаётган терроризмга қарши кураш халқаро ва минтақавий хавфсизликни, шу жумладан Марказий Осиёда таъминлашда НАТО ролининг ошишига имконият яратади. 2003 йил 11 августдан бошлаб

Альянс ўзининг Европадан ташқаридаги биринчи миссиясини амалга оширишга киришди ва БМТ мандатига мувофиқ халқаро тинчликпарвар кучларнинг 5,500 нафар вакилидан таркиб топтирилган Афғонистонда хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучлар (ISAF) устидан қўмондонликни ўз қўлига олди. НАТОнинг собиқ Бош котиби Ж.Робертсон қайд этиб ўтганидек, Шимолий Атлантика блоки, агар у тинчликпарвар кучларга раҳбарликни ўз қўлига олса, Марказий Осиёга терроризм таҳдидларига қарши курашда ёрдам кўрсатишда муҳим рол ўйнайди.

НАТО стратегиясининг янгича мазмуни ташкилот Марказий Осиё давлатлари билан, шу жумладан Евроатлантик ҳамкорлик кенгаши (СЕАП) ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» (ПРМ) дастури орқали фаол ҳамкорлик қилишини тақозо этади. Бунда ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, хусусан давлат чегараларини мустаҳкамлаш, уларни муҳандислик-техникавий жиҳатдан жиҳозлаш борасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин эгаллайди.

Айни вактда НАТО билан ўзаро алоқалар тизимиға минтақа мамлакатлари ҳар хил даражада қўшилгани, улар мақсадлари ҳар хил бўлган минтақавий ва давлатлараро тузилмаларда иштирок этиши Альянснинг Марказий Осиёга оид сиёсатини амалга оширишга жиддий тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли Марказий Осиё давлатлари билан янада самаралироқ ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини берувчи икки томонлама муносабатлар НАТО учун муҳим аҳамият касб этади. Истиқболда улар турли йўналишлар бўйича кенг ва кўп тарафлама ҳамкорликнинг минтақадаги мамлакатларнинг деярли барчаси иштирок этадиган узоқ муддатли дастурига айланиши мумкин.

Бунда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури НАТО ва МДҲ, шу жумладан Марказий Осиё мамлакатлари ўргасидаги ҳамкорликнинг муҳим институционал шаклларидан бири ҳисобланади. Дастур икки мақсадни кўзлайди: биринчи – Ҳамдўстлик давлатларини НАТОга аъзо бўлишга тайёрлаш, иккинчи – улар билан ҳарбий соҳада мумкин қадар яқин алоқалар ўрнатиш.

Бошқа томондан, ҳарбий соҳада НАТО билан ҳамкорликни ривожлантириш Марказий Осиё давлатлари учун уларнинг мазкур жабҳадаги муносабатларини диверсификация қилишнинг самарали механизмларидан бири сифатида, ўз Куролли Кучларини тузиш учун алоҳида имконият яратарди. Бунда ўзаро муносабатлар бир неча йўналишда, хусусан фан, фавқулодда вазиятларда режалаштириш, Куролли Кучларни стандартлаштириш соҳаларида ривожланди.

Ўз-ўзидан равшанки, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин НАТОнинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсатида жиддий ўзгаришлар юз берди, натижада ташкилот кун тартибида халқаро терроризмга қарши кураш муаммолари биринчи ўринга чиқди. НАТОга аъзо давлатлар террорчилик ҳужумлари нафақат Нью-Йорк ва Вашингтонга, балки бутун эркин ва демократик Ғарбга қарши қаратилганини маълум қилиб, Вашингтон шартномасининг 5-моддасида назарда тутилган ўзаро ёрдам ҳақидаги қоидани иккиланиб ўтирасдан ҳаракатга келтирдилар.

Мустақиллик қўлга киритилиши билан Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи сиёсати учун Европа йўналиши минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги халқаро ҳамкорликнинг алоҳида ва муҳим жиҳатига айланди. Европа мамлакатлари ва халқаро ташкилотлари билан ўзаро фойдали алоқаларнинг ривожланиши — бу янгиланиш ва тараққиёт, юксак технологиялар ва инвестициялар манбаидир.

Бошқа томондан, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ислоҳотлар сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш Европадаги халқаро тузилмаларда Марказий Осиё давлатларининг ўзи фаол иштирок этишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу маънода Европанинг нуфузли халқаро ташкилотларидан бири саналган ЕХХТ фаолиятида иштирок этиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

ЕХХТнинг мазкур йўналишдаги фаолияти:

- Марказий Осиёда минтақа мамлакатлари ҳарбий сиёсатининг очиқлик муҳитини шакллантиради, бу сиёсатни нотўғри тушуниш ёки унга нотўғри баҳо

бериш ҳолларига чек қўяди, шу тариқа минтақада ҳарбий конфликтлар юз беришини башорат қилиш ва уларни олдини олиш учун шарт-шароитлар яратади;

- халқаро терроризм, қурол ва ўқ-дорилар билан ғайриқонуний муомалада бўлиш каби минтақавий хавфсизликка таҳдидларга қарши иш олиб боришга кўмаклашади;

- шу муносабат билан иштирокчи давлатларнинг миллий ва минтақавий хавфсизлик тизимининг ҳарбий-сиёсий жиҳатларини яратиш ва мустаҳкамлаш борасидаги манфаатларига мос келади, бу эса халқаро муносабатларнинг нафақат ҳарбий, балки бошқа соҳаларида ҳам ҳамкорлик қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратади, деган хulosага келиш мумкин.

Шунга асосланиб, ЕХХТнинг бу борадаги фаолияти унинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимининг ҳарбий-сиёсий қисми шаклланишига таъсир кўрсатиш борасидаги муҳим йўналишларидан биридир, деб ҳисоблаш мумкин. Шу муносабат билан бу йўналишда ҳамкорликни янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқ. Марказий Осиёда хавфсизлик тизими шаклланишига унинг самарали таъсирини янада ошириш мақсадида минтақа мамлакатларига қуидаги ташабbusлар билан чиқиш таклиф қилинади:

- терроризм ва диний экстремизмга, шунингдек, наркобизнесга қарши кураш бўйича ягона комплекс стратегияни яратиш;

- минтақага қўшни Афғонистоннинг маъмурий тузилмалари оёққа туришида, шу жумладан ҳарбий ва полиция кадрлари тайёрлашда ЕХХТнинг Марказий Осиёдаги марказларининг мадади ва имкониятлари орқали ёрдам кўрсатиш дастурини ишлаб чиқиш.

Юқорида келтирилган хulosалардан келиб чиқиб, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимининг шаклланишига ЕХХТ таъсирининг ижобий жиҳатлари сифатида унинг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий-экологик йўналишлардаги фаолиятини қайд этиш мумкин. Ташкилот бу йўналишларда амалга ошираётган дастурлар ва лойиҳалар минтақа давлатлари, шу жумладан

Ўзбекистоннинг бугунги кунда Марказий Осиёдаги миллий ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва уларни камайтириш борасидаги манфаатлари билан муштаракдир. Бу таҳдидлар орасида қўйидагиларни қайд этиш мумкин:

- а) аввало Афғонистондан тарқалаётган халқаро террористик ташкилотлар фаолиятининг кенгайиши;
- б) наркобизнес миқёсининг ўсиши ва унинг халқаро терроризм билан чатишуви, бу жараёнда Афғонистондан Марказий Осиё мамлакатлари орқали Россия ва Европага наркотрафик барқарор йўлларининг шаклланиш тенденциялари мавжудлиги;
- в) минтақа ҳудудида оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши;
- г) меҳнат миграцияси ва миллий иқтисодиётларнинг ривожланиш муаммолари (айниқса кичик ва ўрта бизнес доирасида);
- д) сувдан фойдаланиш масалалари, шунингдек, минтақанинг экологик муаммоларини, аввало Орол денгизи муаммосини ечиш зарурияти.

Шу муносабат билан, ЕХХТнинг Марказий Осиёдаги фаолияти ҳақида юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб, унинг ҳозирги босқичда минтақавий хавфсизлик тизими шаклланишига таъсирини муҳим деб тавсифлаш мумкин.

## ХУЛОСА

Бугунги дунёning сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, харбий ва экологик хавфсизлик ҳолати “хавфсизлик“га бўлган замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишга, миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликка доир концептуал қарашларини ривожлантиришга унダメқда. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик муаммолари бутун ҳолда ўрганилиши керак ҳамда уларда кечаётган туб ўзгаришлар, жумладан, ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир. Зоро, юқорида кўрсатилиб ўтилганидек “хавфсизлик” тушунчаси бугунги кун нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолатда ҳар томонлама ва кўп томонлама ёндашувни талаб қиласди. Бугунги кунда қатор олимлар томонидан хавфсизликни ижтимоий модел обьекти сифатида олинган ҳолда тизимли таҳлил этилиши, хавфсизлик ҳолатининг ҳар томонлама баҳоланиши учун катта имкониятлар бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида таъкидлаганидек, “Биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга? Сўнгги вақтларда жаҳонда юз берган, дунёning жўғрофий-сиёсий тузилишини ва харитасини тубдан янгилаган ўзгаришлар ҳозирги замон ва келажак учун қандай тарихий аҳамиятга молик? Булар хақида мулоҳаза юритиш ва уларга тўғри баҳо бериш жуда муҳим”<sup>43</sup>.

Энг мураккаб саволлардан бири шуки, биздаги барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни англаб етяпмизми? Хавфсизлигимизга таҳдид бўлиб турган муаммоларга нимани қарши қўя оламиз? Жамиятимиз тўхтовсиз ва барқарор ривожланишига, биз истиқомат қилаётган минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанат сақланишига нималар кафолат бўла олади?

<sup>43</sup> Karimov I.A. O’zbekiston XXI acp bo’sag’asida havfsizlikka tahdid tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. – T., “O’zbekiston”, 1997, B.3.

Мазкур битириув малакавий ишида шу каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги йўлида амалга оширган ишлари таҳлил этилиб, бу масалада Ўзбекистон Республикасининг минтақа ҳавфсизлиги масаласида муҳим ўрин туваётганлиги ёритилди. Битириув малакавий иш доирасида ўрганилганлар асосида қуидагича хулоса қилиш мумкин:

Ҳозирги глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир даврда Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликнинг таъминланиши минтақа давлатлари олдида турган долзарб масала бўлиб, давлатлараро алоқаларни янада чуқурлаштиришни тақозо этади. Бунинг асосий сабаби шундаки, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, минтақа муаммоларини минтақа давлатларининг ҳамкорлик алоқаларисиз бартараф этиш мумкин эмас<sup>44</sup>.

Бинобарин, бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари халқаро муносабатларнинг янгича тизими таркиб топиши жараёнига нафақат жадал кириб боряпти, айни пайтда бу жараёнларга ўз таъсирини ҳам ўтказяпти. Бунда икки муҳим омил: геостратегик шароит ва табиий ресурслар минтақага айрим геосиёсий кучларнинг жиддий эътибор билан қарашига сабаб бўлмоқда. Шу жумладан, танглик вазиятларининг юзага келишида ва сақланиб туришида асосий сабаб бўлувчи ички ва ташқи омилларни ҳам эътиборга олиш лозим.

Юқоридагиларга асосланиб, Марказий Осиё минтақаси хавфсизлик муаммоларини шартли равишда қуидаги туркумларга ажратган ҳолда ёритиш мумкин:

- хавфсизлик муаммолари бўйича минтақа давлатларини бирлаштирувчи ёки ажратувчи ички минтақавий омиллар;
- манбаси минтақадан ташқарида мавжуд бўлган, турли характерга эга ва минтақа давлатлари хавфсизлигига бевосита таҳдид солувчи омиллар;

---

<sup>44</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон , 1997. – Б.78.

— мавжуд таҳдидларни бартараф этишга қаратилган минтақавий ва глобал даражадаги интегарцион жараёнлар.

Хавфсизлик муаммосини жағон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар билан биргалиқда ўзаро мувофиқлаштирилган саъй ҳаракатларсиз бартараф этиш мумкин эмас.

-XXI аср воқеалари шундан далолат бермоқдаки, бугун бирор бир давлат ёхуд минтақа ўз хавфсизлиги, барқарорлиги ҳамда тараққиётини фақат ўз имкониятларига таянган ҳолда узоқ муддатга таъминлаши қийин. Бундан келиб чиқкан ҳолда, глобал хавфсизликнинг асосини ташкил этадиган минтақа доирасида ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бу муаммоларни ҳал этишнинг энг самарали йўли сифатида эътироф этиш мумкин.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **1. Рахбарий адабиётлар.**

#### **Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари.**

- 1.1 Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқтол, иқтисод, сиёsat, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Б-50.
- 1.2 Каримов И.А. Мақсадимиз - тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик // Биз қуриш, яратиш йўлидан борамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 4-ж. Б.360.
- 1.3. Каримов И.А. БМТ БА 48-сессиясидаги маъруза, Нью-Йорк, 28 сентябрь // Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 2-ж. Б.37,47.
- 1.4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари // Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 6-ж. Б.13;
- 1.5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000. Б-112.
- 1.6. Каримов И.А. Истанбул ОБСЕ саммитидаги маъруза // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 8-ж. 330 б.
- 1.7. Каримов И.А. БМТ БА даги нутқ // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон, 2001. 9-ж. Б.225;
- 1.8. Каримов И.А. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги нутқ // Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. 11-ж. Б. 214,274;
- 1.9. Каримов И.А. Ёвуз кучлар халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди // Ватанимизнинг тинчлиги ва ҳавфсизлиги ўз куч-қудратига, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004. 12-ж. Б. 238-243;
- 1.10. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди 13-жилд- Т.: Ўзбекистон, 2005. Б-35.

- 2.11. Каримов И.А.. Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтаролмайди // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 13-ж. Б. 306-400;
- 1.12. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.: Ўзбекистон. 1999. - 410 б.
- 1.13.Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон. - 382бет. 1.1.Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон. 2002. - 432 б.
- 1.14.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т.: Ўзбекистон. Т.13. 2005. - 448 б.
- 1.16. Каримов И. А Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон. 1999.
- 1.16.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.- Т.: Ўзбекистон,2005. –447 6.
- 1.17. Каримов И.А Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янала юксалтириш. – Т.: Ўзбекистон,2010.

## **2.Норматив-хуқуқий хужжатлар.**

- 2.1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2008.40.б.
- 2.2 ”Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрь Конуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 15-китоб. –Т.: Адолат, 1997-
- 2.3 Закон «О порядке назначения и отзыва глав дипломатических представительств Республики Узбекистан в иностранных государствах» 1992.
- 2.4 Закон «Об установлении дипломатических классов и рангов для дипломатических работников Республики Узбекистан» 1992.

2.5 БМТ Низоми (1945), Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги Умумий Акт (1949), Низоларни тич йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги Манил декларацияси (1982).

### **3. Илмий адабиётлар:**

- 3.1 Арифханов Ш. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Т.: Академ-Хизмат, 2007.
- 3.2 Алимов Р. М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: Шарқ, 2005.
- 3.3 Анваров А.М. Марказий Осиё миңтақавий хавфсизлигини таъминлашда Тожикистон омили. – Т.: 2003.
- 3.4 Алимов Р. М., Арифханов Ш. Р. И др. Центральная Азия: геоэкономика, geopolitika, безопасность. – Т.: Шарқ , 2002. .
- 3.5 Дипломатический словарь.-М.: Наука ,1985. 2-т.
- 3.6 Жўраев. С Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва дипломатияси.- Т.: Академия, 2007.
- 3.7 Жўраев.С, Сайдолимов.С, Абдуғаниева.З Халқаро хавфсизлик.-Т.: Akademiya, 2007.
- 3.8 Жўраев.Т Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик – Т.: Akademiya, 2007.
- 3.9 Жўраев. Т., Акобиров. С. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик. – Т.: Akademiya, 2007.
- 3.10 Сафоев. С Марказий Осиёдаги геосиёсат-Т.: ЖИДУ, 2005.
- 3.11 Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти: халқаро муносабатлар ва ташқи алоқаларни ташкил қиласи. – Т.: 2008.
- 3.12 Политическая энциклопедия в 2-х томах. М.: 2-т, Мысль. 2000 .
- 3.13 Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Т.: Фан, 2007;
- 3.14 Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Т.: Чулпон , 2002.

3.15 Ўзбекистон демократик жамият қуриш назаряси ва амалёти курси бўйича ўқув қўлланма Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. – Т.: Шарқ, 1999.

#### **4. Диссертация ва авторефератлар**

- 4.1. Шарипов Мурод Мирза Шарифжон ўғли Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда Шанхай Хамкорлик ташкилотининг ахамияти: Т.: 2007.
- 4.2. Турсунмуратов Турдимурат Махаматкулович Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда илмий техник салоҳият омили: Дис. ...сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун.- Т.: 2008. Б-15.

#### **5. Intenet manbalar**

- 5.1 <http://www.lex.uz>
- 5.2 <http://www.ziyonet.uz>
- 5.3 <http://www.segodnya.ru>
- 5.4 <http://mfa.uz/ uzb/ xalqaro munosabatlar/ xalqaro tashkilotlar/>
- 5.5 [http://mfa.uz/uzb/matbuot\\_va\\_media\\_servis/yangiliklar/240410u2.mgr](http://mfa.uz/uzb/matbuot_va_media_servis/yangiliklar/240410u2.mgr)
- 5.6 [http://www.unic.ru/relis/0210/07\\_3.html](http://www.unic.ru/relis/0210/07_3.html) .
- 5.7 <http://www.nbuv.gov.ua/texts/polit/00eursgt.htm>